Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 13 (973) • 2014-yil, 28-mart, juma

## Халқимизнинг эзгу истаги

➢ Муносабат

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрамида Юртбошимиз томонидан айтилган ҳароратли табрик сўзлари, ўйлайманки, ҳар бир элдошимиз қалбига чуқур кириб борди.

Ҳаммамиз яхши биламиз, азал-азалдан уйғониш, тириклик фаслининг энг қардли байрами Наврўз тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатлик, дўст-биродарлик айёми ҳам. Олис мозийда, ҳатто "Авесто" замонларида айнан Йилбоши кунлари ўзаро низолар, гина-кудуратлар унутилган, урушларга барҳам берилган. Эҳтимол халқимизнинг Наврўзни бу қадар яхши кўришига, уни хурсандчилик, ўйин-кулги билан кутиб олишига кўҳна байрамимизнинг мана шундай эзгу жиҳатлари ҳам сабаб бўлгандир. Ахир дунёда тинчлик, барқарорлик, бағрикенглик олиб келадиган байрамдан қимматлироқ, азизроқ байрам бўлиши мумкинми?.. Агар эътибор бериб қарасак, бу йил Наврўзимизнинг "Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!" шиори остида ўтказилганлигида ҳам чуқур ҳикмат бор.

Давлатимиз етакчисининг табрик сўзида масаланинг мана шу жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани яна бир бор кўнглимизни кўтарди.

Айниқса, бундай кунларда меҳр-оқибат, саховат, бир-бирига мурувват кўрсатиш каби азалий хислатлар янада яққол намоён бўлмоқдаки, мана шунинг ўзиёқ, Наврўзнинг қадриятларимизга, халқимизга хос бетакрор фазилатларига ҳамоҳанг эканлигини исботлайди. Истиқлол туфайли ана шу қадриятларимиз юксалди. Унинг файзу шукуҳидан юртимиз тобора обод ва фаровонлашиб бормоқда. Шу боис бугун биз Наврўзни хуррамлик билан нишонлаяпмиз. Бебаҳо байрамимизнинг умри боқий бўлишини тиламоқдамиз. Бундай байрамлар тинч-хотиржам, одамлари соғ-омон, ёшлари шодумон элга ярашади. Эл-юрт кайфиятидаги шодумонлик бежиз эмас. Чунончи Президентимизнинг мана бу сўзлари мени тўлқинлантириб юборди: "Бизнинг халқимиз нимани истайди? Аввало, ўз юртида ва қўшни минтақаларда, бутун оламда тинчлик-осойишталик ҳукм суришини, турли-турли ҳудудларда давом этаётган можаро ва қарама-қаршиликлар куч ишлатмасдан, фақатгина тинчлик йўли билан, сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилинишини хоҳлайди".

3 ➢

## Ижро механизмлари мустаҳкамланиши зарур

➢ Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида биринчи ўқишда ҳавола этилаётган "Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама этилди.

2 ➢

## Суд амалиётида «электрон ҳукумат»

➢ Депутат минбари



Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётига доир бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилмоқда. Ўзбекистон "Адолат" фракцияси ҳамда Суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Ойша Ахунова навбатдаги ялпи мажлис кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган "Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси хусусидаги айрим саволларимизга жавоб берди:

2 ➢

➢ Ватан ҳимояси — муқаддас бурч





А.ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат

## Аскарлар қасамёд қабул қилди

Ўз халқи ва Ватанига ҳамиша содиқ бўлиш ҳақида қасамёд қабул қилиш — ҳар бир аскар ҳаётидаги энг унутилмас ва ҳаяжонли дамлардир. "Ватанга қасамёд" монументи олдида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган тантанали қасамёд қабул қилиш маросимида шу ҳақда сўз юритилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 20 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ўтказилган тадбирда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда аскарларнинг ота-оналари иштирок этди.

Аскарлар Ватанимизга, Президентимизга, халқимизга садоқат билан хизмат қилишга тантанали равишда қасамёд қабул қилди.

***

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Жиззах шаҳрида ҳам ҳарбий қасамёд маросимлари ўтказилмоқда. Кенг жамоатчилик иштирокида, катта тантана сифатида ўтказиладиган, алоҳида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бундай маросим бир умрга эсда қоларли онларни туҳфа этиш билан бирга, эл-юрт ҳимоясини ўзи учун шараф, деб билган ўғлонлар зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ориятни, ғурур ва садоқатни ҳамма нарсадан устун қўядиган бизнинг халқимиз учун ҳарбий қасамёд — бу шунчаки расмий тадбир эмас, балки йигитлик шаъни, ор-номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга бел боғлаб, аҳду паймон қилиш маросимидир.

Тадбирда вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг хавфсизлик ва мудофаа масалалари қўмитаси раиси Қодир Жўраев таъкидлаганидек, истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, замонавий қурол-яроғ ҳамда техника билан ҳар томонлама яхши таъминланган, ҳаракатчан, юксак талаб ва стандартларга жавоб берадиган миллий армиямиз шаклланди. Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келди. Хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта чақириш йўлга қўйилди.

Энг муҳими, бугунги кунда мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, юртимиздаги лицей ва коллежларда таълим-тарбия олган йигитлар армия сафларига кириб келмоқда. Улар замонавий ахборот, компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган ва энг асосийси — ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий-маънавий қадриятларига эга бўлган ёшлардир.

Яқиндагина аскар, деган шарафли номга сазовор бўлган йигитларнинг қисқа фурсат ичида илк сабоқларни қунт билан ўзлаштирганидан ҳарбий қисмлар командирлари беҳад мамнун. Фарзандининг аждодларига муносиб ворис бўлишга, шу муқаддас заминни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ваъда бериб, қасамёд қабул қилганини кўрган ота-оналарнинг эса қувончи чексиз.

— Бугун нафақат аскарлар, балки биз, ота-оналар учун ҳам қувончли кундир, — дейди Насиба опа Ражабова. — Биз фарзандларимиз катта ҳаётга қадам қўяётгани ва Ватанимизни ҳимоя қилишга тантанали қасамёд қилаётганини катта ҳаяжон ва фахр билан кузатиб турибмиз. Бу қалбимизни ғурурга тўлдирмоқда. Уларнинг барчаси ўз қасамёдига содиқ бўлиб, муқаддас бурчини намунали бажариши, халқимиз ва Президентимиз билдирган юксак ишончни оқлашига ишонамиз.

**ЎзА ва мухбиримиз хабари асосида тайёрланди.**

## Аҳоли ислоҳотларга бефарқ эмас

➢ Депутат ва сайловчи юзма-юз

Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш борасидаги ислоҳотлар ва демократик янгиланишлар фуқаролар руҳиятида келажакка бўлган ишончни янада мустаҳкамлаб, уларнинг сиёсий янгиланишларга бўлган қизиқишини оширмоқда.

Бу Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг яқинда сайлов округларида олиб борган учрашувлари чоғида намоён бўлди. Ушбу жиҳатлар фракциянинг сайловчилар билан учрашувлар натижалари ва ундан келиб чиқадиган вазифаларга бағишлаб ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида эътироф этилди.

Қайд этилганидек, учрашувларда фракция аъзолари парламент қуйи палатасининг қонун ижодкорлиги фаолияти, кучга кирган янги қонунларнинг мазмун-моҳияти, муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари, ўзлари аъзо бўлган қўмиталар ва фракция фаолияти ҳақида ҳамда аввалги учрашувларда сайловчилар томонидан билдирилган айрим таклифлар юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар тақдим этдилар. Шунингдек, учрашувларда "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ва унда белгиланган устувор вазифалар, Парламент томонидан қабул қилинган "2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури" ижроси муҳокамалар марказида бўлди.

Айни чоғда аҳоли турмуш тарзи, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида Президентимиз раҳнамолигида қўлга киритилаётган муваффақиятлар, натижалар, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, яқин келажакдаги ва истиқболдаги вазифалар, давлат дастурлари бажарилиши бўйича фикр-мулоҳазалар алмашилди.

2 ➢

## Муҳим лойиҳалар қўллаб-қувватланади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари вакиллари учун ўтказилган матбуот анжумани Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг 2014 йилдаги устувор вазифаларига бағишланди.

2 ➢



## Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари

➢ Қарор ва ижро

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш мақсадида 2014 йил 6 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 19 февралда эса "Соғлом бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди.

8 ➢

ADOLAT
№ 13 (973) 2014-yil
28-mart, juma



# Ижро механизмлари мустаҳкамланиши зарур

Давоми. Боши 1-бетда

Таъкидланганидек, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бугунги кундаги босқичида хусусий мулк институтини мустаҳкамлаш ва иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини ошириш баробарида давлат мулкини бошқаришнинг самарали тизимини яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Янги қонун лойиҳасининг мақсади давлат мулкини мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатларда ҳам самарали бошқаришга йўналтирилган қонунчиликни янада мустаҳкамлашдан иборатдир. Айни пайтда мулкий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик, Ер, Солиқ, Уй-жой кодекслари, "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида", "Ижара тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа ҳужжатлар билан тартибга солинаяпти. Лекин мулкий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар соҳани тартибга солишнинг барча жиҳатларини тўла қамраб олмагани ва уларда ҳар доим ҳам бир хил ёндашув мавжуд эмаслигини таъкидлаш жоиз. Яъни, қонунчилик нормаларининг мукаммал эмаслиги, уларда белгиланган ваколатлар ва жавобгарликнинг ноаниқ тақсимоти бир қатор салбий оқибатларга олиб келмоқда. Жумладан, давлат мулкини бошқариш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий мақсади, вазифаси ва принципларининг самарадорлигини баҳолашнинг аниқ кўрсаткичлари яхлит қонунчилик ҳужжатларида акс эттирилмаганини айтиб ўтиш мумкин.

Шунинг учун, "Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ва унинг негизида давлат мулкини бошқаришни стратегик ва тактик режалаштириш бўйича ўрта муддатли концептуал ҳужжатларнинг қабул қилиниши бу борадаги муҳим қадам ҳисобланади.

Қонун лойиҳаси давлат мулкини, унга бўлган ҳуқуқларни давлат томонидан харид қилиб олган вақтдан бошлаб, уларнинг тугатилганлигига қадар бошқариш тизимини тиклашга йўналтирилган. Қонун лойиҳаси билан давлат мулкини бошқаришни амалга оширувчи давлат органларининг ваколатларини чегаралаш ва давлатнинг давлат мулкини бошқариш соҳасида олиб бораётган сиёсати учун жавобгарлигини ошириш назарда тутилмоқда. Демак, ушбу қонуннинг қабул қилиниши давлат мулкини бошқаришнинг асосий механизмларини яхлит қонун даражасида мустаҳкамлашга замин яратади.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ривожланган мамлакатларнинг соҳага оид қонунлари таҳлилий-танқидий жиҳатдан ўрганилганини ҳам алоҳида қайд этиш керак. Фракция аъзолари «Адолат» СДП иқтисодиётда давлат иштирокини қўллаб-қувватлаган ҳолда, вазирлик ва идоралар фаолияти сифатини узлуксиз ошириш, расмиятчилик унсурларини бартараф этиш, қабул қилинаётган қарорларни чуқур ва ҳар томонлама қайта ишлаш тарафдори эканлиги, бошқарув услублари бугунги кун талабларига мос келиши дарқорлигидан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси юзасидан ўз таклиф-тавсияларини билдирдилар.

Мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама этилди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда бозор иқтисодиёти талабларига, халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ, бюрократик ғовларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини тубдан такомиллаштириш ҳисобига ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти учун максимал даражада қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш йўлида бир қатор муҳим қадамлар қўйилди.

Мазкур қонун лойиҳаси 2012 йил 20 декабрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддаси билан Вазирлар Маҳкамасига юклатилган рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ваколатидан келиб чиқиб, айрим қонун ҳужжатларига, хусусан, Ҳаво кодексига, "Валютани тартибга солиш тўғрисида", "Давлат санитария назорати тўғрисида" ва "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланишини назарда тутувчи тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутади.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида фракция аъзолари «Адолат» СДП позициясидан келиб чиқиб, уни такомиллаштириш юзасидан ўз таклифларини билдирдилар ва концептуал жиҳатдан маъқулладилар.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан фракция аъзоларининг партия позициясидан келиб чиқадиган таклифлари эшитилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ғулом ХИДИРОВ**

# Аҳоли ислоҳотларга бефарқ эмас

Давоми. Боши 1-бетда

Ушбу йўналишларда Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари томонидан сайловчилар билан 140 га яқин учрашувлар ўтказилди ва уларда 14 минг нафарга яқин сайловчилар иштирок этишди.

Аввалги учрашувлардан фарқли равишда сайловчилар томонидан берилган аксарият саволларнинг қонунчиликка, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларга боғлиқ бўлгани фуқароларнинг қабул қилинаётган қонунлар ва муҳим ижтимоий аҳамиятга эга дастурлар ҳамда уларнинг ижросига нисбатан қизиқиши катта эканини кўрсатди. Бу аҳолининг сиёсий онги ва сиёсий фаоллиги ошиб бораётганидан далолат беради.

Сайлов округларида шунингдек, депутатлар томонидан фуқаролар қабули ҳам ташкил этилди. Сайловчилардан газ, электр энергияси, тоза ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти билан таъминланганлиги даражаси, ички йўлларни таъмирлаш, нафақа тайинлаш, иш ҳақининг вақтида берилиши, пластик карточка муомаласи, кредит олиш, ерга эгалик қилиш, жамоат транспортига терминаллар ўрнатиш масалалари юзасидан 400 дан ортиқ саволлар келиб тушди. Сайловчилардан тушган мурожаатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилди, сайловчиларнинг шикоят ва аризаларини келтириб чиқарган сабабларни ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилди. Аксарият масалалар маҳаллий ҳокимият органлари ва тегишли ташкилотлар орқали жойида ҳал қилинди.

Жамоатчилик билан ўтказилган учрашувлардаги кўтарилган таклифлар, сайловчиларнинг ўзларини ўйлантираётган масалалар юзасидан ўртага дадил савол қўяётганликлари фуқароларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишларга қизиқиши баланд эканлиги ва ушбу ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси ортиб бораётганлигини кўрсатди.

Мажлисда депутатлар ўтказилган учрашувлар якунига кўра сайловчилар томонидан кўтарилган муаммолар ва ўрганилган масалалар таҳлилини ўз сайлов округлари мисолида атрофлича муҳокама қилдилар.

Қайд этилишича, учрашувлар давомида сайловчилардан ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан 100 га яқин таклифлар олинди. Хусусан, айрим ҳудудлардаги касб-ҳунар коллежларида мавжуд мутахассисликларни меҳнат бозори талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қайта квоталаш кераклиги, қишлоқ жойларида мактабгача таълим муассасалари сонини кўпайтириш, мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш лозимлиги юзасидан сайловчилардан таклифлар илгари сурилди. Қолаверса, жойлардаги бандлик масаласини ҳал қилиш йўлида оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш учун инфратузилмани яхшилаш зарурати мавжудлиги маълум бўлди.

Фракция аъзолари сайлов округларида олиб борган фаолияти давомида қабул қилинган қонунларнинг ижросидаги камчилик ва нуқсонларни, қандай қонун ҳужжатларга эҳтиёж борлигини, сайловчиларни қандай муаммолар ўйлантираётганлиги ва уларни ҳал этиш бўйича нималар қилиш зарурлигини ўрганишга алоҳида эътибор қаратишди.

Шунингдек, учрашувлар жараёнида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2014 йилга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари Дастури»га ҳамда «Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг 2014 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари» иш режасига мувофиқ депутатлар томонидан ўз сайлов округларидаги халқ таълими муассасаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари ўрганилди.

Олинган хулосалардан келиб чиқиб, фракция аъзоларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди ва Халқ таълими вазирининг "Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ислоҳ қилиш шароитларида мактабгача таълим муассасаларини кенгайтириш, уларни педагогик кадрлар ва замонавий моддий-техник база билан мустаҳкамлаш ҳолати ва истиқболлари тўғрисида"ги ахбороти юзасидан Қонунчилик палатаси йиғилишида парламент эшитуви ўтказишга келишиб олинди. Шунингдек, фракциянинг жорий йилда амалга ошириладиган назорат-таҳлил фаолияти юзасидан ҳам тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан фракция аъзоларининг партия позициясидан келиб чиқадиган таклифлари эшитилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Илёс САХАТОВ,**
"Adolat" мухбири

# Суд амалиётида «электрон ҳукумат»

Давоми. Боши 1-бетда

***— Ҳозирги кунда "Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси қуйи палатада қизғин муҳокама қилинмоқда. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши оддий сайловчига, фуқароларга қандай наф келтиради? Нима учун кодексга қўшимчалар киритиш зарурати пайдо бўлди?***

— Аввало шуни айтиш лозимки, шиддат билан ривожланаётган ҳозирги ахборот асрида ҳаётимизнинг барча жабҳаларига замонавий коммуникация воситалари жадаллик билан кириб келмоқда. Ушбу қонун лойиҳасида хўжалик суд ишларини юритишни янада такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг вақтини тежаш ва харажатларини камайтириш, судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий нормалари белгилаб берилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад суд тизими фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, судга мурожаат қилган ҳар қандай ҳуқуқи бузилган шахснинг ортиқча оворагарчилигига чек қўйиш, харажатларни камайтириш, судларда ишларни ташкил этиш, низоларни ҳал қилиш тартибини соддалаштириш, процессуал муддатларни қисқартиришга қаратилганлигини айтиб ўтиш зарур.

Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда, 2013 йил 1 январдан бошлаб хўжалик судларида даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон шаклда қабул қилиш тартиби амалиётга татбиқ этилди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг расмий сайтида даъво ариза ва илтимосномаларни қабул қилиш бўйича марказлаштирилган электрон дастурий таъминот ишга туширилди. Айни пайтда тадбиркорлик субъектлари ана шу дастурий таъминот орқали хўжалик судларига даъво аризалари ва илтимосномаларни ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда тақдим этмоқдалар.

Нафақат даъво аризаси ва илтимосномалар, балки апелляция ва кассация шикоятлари, назорат тартибида протест келтириш, шунингдек, янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни қайта кўриш тўғрисидаги аризалар ҳам электрон шаклда қабул қилинмоқда.

Тизимга ахборот-коммуникация технологиялари босқичма-босқич жорий этилаётганлиги эндиликда суд мажлисларини ҳам замонавий технологиялар асосида ташкил этиш заруратини юзага келтирмоқда. Аммо, амалдаги хўжалик процессуал қонун ҳужжатларида видеоконференция-алоқа тизимларидан фойдаланиш орқали мажлислар ўтказиш имконияти назарда тутилмаган. Яъни, амалдаги нормаларга мувофиқ ишларни кўриб чиқиш ишни кўриб чиқувчи суд жойлашган ерда ўтказиладиган суд мажлисида амалга оширилади. Бундай тартиб суд жойлашган ердан бошқа ҳудудда жойлашган тарафларнинг, иш кассацион инстанция судида кўриб чиқилганда эса иккала тарафнинг кўп вақти ва маблағлари сарфланишига олиб келади. Шу муносабат билан қонун лойиҳасида назарда тутилган ўзгартишларнинг киритилиши судда иши кўриб чиқилаётган, аммо бошқа ҳудудда жойлашган тадбиркорлик субъектларига ўзлари жойлашган ҳудуддан чиқмаган ҳолда судда иштирок этиш, бу билан эса уларнинг молия ва вақт билан боғлиқ харажатларини камайтириш имкониятини беради.

Таклиф этилаётган қўшимчалар ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳамда хўжалик судлов ишларини юритувчи бошқа иштирокчиларнинг суд муҳокамасида бевосита қатнашиш ҳуқуқини чекламайди.

Қолаверса, халқаро тажриба суд мажлислари видеоконференция усулида ўтказилиши самарали эканини исботлаган.

***— Жавобингиздан маълум бўляптики, суд ишини видеоконференция усулида ўтказиш тартиби қулай. Бундай ҳолатда видеоконференцияни ўтказиш учун кетадиган харажатларни ким қоплайди?***

— Амалдаги Хўжалик процессуал кодексининг қоидаларига биноан, хўжалик судида муайян ишни кўриш тартибига назар ташлайдиган бўлсак, биргина 2011–2013 йиллар давомида хўжалик судлари томонидан биринчи инстанцияда 529725 та иш даъво тартибида кўриб чиқилган. Шундан 245846 та ишнинг 24750 тасида, яъни 10,06 фоизида бир тараф суд муҳокамасида иштирок этиш учун хўжалик судига бошқа ҳудудлардан келган. Бундан ташқари, шу ишларнинг 7 мингга яқинида ишни кўриш турли сабабларга кўра бошқа кунга қолдирилган.

2011-2013 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят хўжалик судларида кўрилган 3268 та иш Олий хўжалик судининг кассация инстанцияси суди томонидан кўриб чиқилган. Мазкур ишларнинг 873 тасида ишни кўриш кейинга қолдирилган. Иш кассация тартибида Олий хўжалик судида кўрилаётганида тарафлар суд мажлисида иштирок этишлари талаб қилинади. Шу боис кўрсатилган давр ичида бошқа ҳудуддан кассация инстанцияси суди мажлисида қатнашиш учун жами 8 мингдан зиёд тарафлар вакиллари Тошкент шаҳрига келиб кетишган. Бу эса тадбиркорлар, давлат органлари ва бошқа ташкилот вакилларига ортиқча муаммо туғдираяпти.

Шу нуқтаи назардан, суд мажлисларини видеоконференция усулида ўтказишнинг афзалликлари яққол кўзга ташланади. У амалиётга жорий этилгач, бундай сарф-харажатлар кескин қисқаради ва ортиқча оворагарчиликларнинг олди олинади. Мисол учун, агар даъвогар Андижон вилоятида, жавобгар эса Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган бўлса, даъвогар суд муҳокамасида иштирок этиш учун Андижон вилояти хўжалик суди биносига, жавобгар эса Қорақалпоғистон Республикасида хўжалик суди биносига келишининг ўзи кифоя қилади.

Мажлисни видеоконференция усулида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳақида гап кетганда, уни ишни кўришга оид чиқим сифатида белгилаш таклиф этилмоқда. Шу сабабли қонун лойиҳаси билан Хўжалик процессуал кодексининг 90-моддасида мажлисни видеоконференция усулида ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар суд харажатлари таркибига киритилиши белгилаб қўйилмоқда.

***— Фракция аъзолари қонун лойиҳасини «Адолат» партиясининг дастурий ғояларига мос ҳуқуқий ҳужжат бўлганлигини таъкидлашмоқда. Муҳокамадаги қонун лойиҳаси қайси жиҳатлари билан партиямиз дастурий ғояларига ҳамоҳанг?***

— Дарҳақиқат, мазкур қонун лойиҳасида партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган бир нечта йўналишдаги устувор вазифаларнинг уйғун равишда акс этганини кўришимиз мумин. Яъни, қонун лойиҳаси мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, соҳага замонавий телекоммуникация технологияларини фаол жорий этиш, пировардида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ишончли ҳимоя қилиш, судлар фаолиятида очиқлик, ошкораликни таъминлаш, қонунийлик ва адолатлилик тамойилларини қарор топтиришга хизмат қилиши билан Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурий мақсад-вазифаларига тўла мос келади. Шу билан бирга замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг судлар фаолиятига татбиқ этилиши "электрон ҳукумат"ни жорий этиш борасидаги дастурий ғояларимизнинг босқичма-босқич равишда ҳаётда ўз ифодасини топаётганлигидан далолат беради.

Умуман, хўжалик судлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилиши суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш, одил судлов фаолиятининг сифат ва самарадорлигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли муҳофазалаш, улар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Айни пайтда қўмитамиз ишчи гуруҳи томонидан учинчи ўқишда муҳокамага тайёрланаётган «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлари томонидан берилган таклифлар асосида такомиллаштирилмоқда.

**И.КОМИЛОВ** суҳбатлашди.

# Муҳим лойиҳалар қўллаб-қувватланади

Давоми. Боши 1-бетда

Унда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланаётгани, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратаётгани, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашаётгани таъкидланди.

Парламент комиссиясининг фаолияти ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очиқ, ошкора, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлаш имконини бермоқда. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-техникавий ҳамда иқтисодий негизини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатаётир. Жорий йилда ҳам Парламент комиссияси асосий эътиборни ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятларини устувор вазифаларни амалга оширишга йўналтириш, уларнинг фаоллигини юксалтиришга қаратди. Бунинг учун давлат бюджети ҳисобидан 8,2 млрд. сўм маблағ ажратилди. Бу ўтган 2013 йилдагига нисбатан 17,1 фоиз кўпдир.

Бу йил ҳам республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, болалар, айниқса, қиз болаларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишларини ошириш, соғлом турмуш тарзини аҳоли, оилалар ўртасида кенг тарғиб этишга қаратилган танловлар ўтказилиши назарда тутилаётгани эътиборга молик. Бу борадаги ишларни ижтимоий шериклик асосида амалга ошириш кўзланган мақсадга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади. Парламент комиссияси раиси ўринбосари Д.Сидиқов таъкидлаганидек, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини фуқаролик жамияти институтлари ва давлат тузилмалари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш асосида олиб бориш, фуқаролар турмуш даражасини яхшилаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш, уларнинг ва ННТнинг шаҳар, маҳалла ҳамда кўчаларни ободонлаштиришдаги фаоллигини кучайтириш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ҳамда болалар соғлиғини мустаҳкамлашга йўналтирилган танловларга алоҳида эътибор қаратилгани муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда Жамоат фонди ва Парламент комиссияси ўтказиладиган танловлар ҳақида ННТни хабардор қилиш бўйича иш бошлагани хусусида ҳам сўз борди. Апрель ойининг бошларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ЎзННТМА, ФЖШМҚМИнинг жойлардаги бўлинмалари, Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди ва Парламент комиссияси вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилади. Айни чоғда иккита йўналишдаги танлов эълон қилинди. У "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган муҳим масалаларни ҳал этишга ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кенг жалб қилишга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга. 2014 йилда грант танловларини ташкил этиш ва ўтказишга умумий маблағнинг 3,8 млрд. сўмдан ортиғи ёки мўлжалланган жами маблағнинг 46,3 фоизи йўналтирилди.

Давлат грантларига ажратилган маблағлар миқдори эса ўтган 2013 йилдагига нисбатан 15,8 фоиз оширилди. Шу ўринда Парламент комиссияси қарорларига асосан, ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ечишга қаратилган давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш учун танлов эълон қилинганини қайд этиш жоиз. Бунга 1,4 млрд. сўм ёки жами маблағнинг 17,1 фоизи миқдорида маблағ ажратилди.

Албатта, бу каби саъй-ҳаракатлар юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари роли янада ошишига, уларнинг кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳал қилувчи омилга айланиб боришига хизмат қилади.

**Феруз ЖЎРАЕВ,**
"Adolat" мухбири



# Халқимизнинг эзгу истаги

Давоми. Боши 1-бетда

Дарҳақиқат, шундай. Юртбошимизнинг бу мушоҳадаси айниқса, бугун минтақамизда, ён-атрофимизда, ҳаттоки ҳудудимиздан олис мамлакатларда зиддиятлар юз бериб турган пайтда алоҳида аҳамият ва кўлам, маъно-мазмун, моҳият касб этади. Ҳа, биз тинчликсевар халқмиз. Биз бутун дунёда тинчлик бўлишини истаймиз. Наврўз сингари умуминсоний байрамлар эса мана шундай улуғвор орзу-истакка етишиш йўлида салмоқли восита бўлиб хизмат қилса не ажаб...

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, ўз табрикларида эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи бўлмиш ёшлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталдилар. Ёшлар билан ишлаётган партия фаоли, депутат сифатида айтаманки, бугун улар ўзларига кўрсатилаётган эъзоз ва ғамхўрликдан ниҳоятда мамнун бўлиб, руҳланиб, янгидан-янги марралар сари интилмоқдалар. Бу бежиз эмас. Мамлакатимизнинг барча гўшаларида муҳташам мактаблар, коллеж ва лицейлар, қишлоқ врачлик пунктлари қурилиши, қишлоқ оилаларини замонавий уй-жой билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш борасидаги ишлар юртимизда инсон қадри улуғланаётганлиги, фарзандларимизнинг келажагига мустаҳкам пойдевор қўйилаётганлигининг ёрқин ифодасидир. Биз Наврўз муносаби билан ташкил этилаётган сайилларда, ҳашарларда, турли-туман тадбирларда, электоратимиз вакиллари билан учрашувларда юртимиздаги тинчлик-тотувликдан, бунёдкорлик ишларидан аҳоли, шу жумладан, ёшлар беҳад мамнун эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Энг муҳими, берилаётган эътибор ёшларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, янги-янги марра ва ютуқларга, ташаббускорлик ва фидойиликка ундамоқда. Миллий манфаатларга асосланган ва мамлакатимизда тинчлик, тотувлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган фаол сиёсий фаолиятни қўллаб-қувватлаётган партиядошларимиз ҳам юртимизнинг янада обод ва фаровон бўлишига ўзларининг фидокорона хизматлари билан ҳиссаларини қўшишларига ишонаман.

**Феруза ОМОНОВА,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси, партиянинг "Ёш адолатчилар" қаноти кенгаши раиси

# Эътибор самара бермай қолмайди

**➢ Матбуот анжумани**

"Пойтахт" бизнес марказида Халқаро сил касаллигига қарши кураш куни муносабати билан матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасига қаратилаётган юксак эътибор, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги боис, мамлакатимизда сил касаллиги бўйича эпидемиологик кўрсаткичлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига нисбатан 1,5 марта кам.

Соҳа ривожига алоҳида эътибор ва мақсадли дастурларнинг амалда татбиқ этилиши натижасида бугун мамлакатимизда жаҳоннинг ривожланган давлатларидагидек, сил касалликларини даволаш самараси 85 фоизни ташкил этмоқда. Республикамизда фтизиатрия хизматини такомиллаштириш, хусусан, сил ва сурункали носпецифик ўпка касалликларига қарши курашиш, энг замонавий ускуналар ёрдамида мазкур хасталикларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш ишларини юритувчи шифо маскани — Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва Пульмонология илмий-амалий марказининг ташкил этилиши ўз самарасини берди. Марказда юқори технологияларга асосланган даволаш муолажалари ҳамда жарроҳлик амалиётининг йўлга қўйилиши натижасида беморларнинг даволаниш муддати 4-5 баробарга қисқарди.

— Бугун республикамизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам бирламчи тиббий текширувлар ўтказилиши учун барча шарт-шароит етарли, — дейди Марказ директори Мирзағолиб Мирзашайхов. — Айниқса, жойларда фертил ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлар ўртасида бошқа тиббий таҳлиллар сингари флюорографик текширувлар мунтазам ўтказилиши касалликни барвақт аниқлаш ва даволашга ёрдам бермоқда. Ана шундай амалий саъй-ҳаракатлар натижасида кейинги йилларда мамлакатимизда сил билан касалланиш 30 фоизга, хасталик туфайли ўлим ҳолатлари эса 60 фоизга камайди.

Тадбирда эришилган натижалар билан кифояланмай, жиддий тиббий ва ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланувчи сил касаллигининг кенг кўламда ўсишига йўл қўймаслик мақсадида давлат ва нодавлат, жамоат ташкилотларининг ўзаро ижтимоий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот ишларини кучайтириш масалалари хусусида ҳам сўз борди.

**Саодат СОДИҚОВА,**
"Adolat" мухбири

# Ўрганиш ва таҳлиллар самарали фаолиятга чорламоқда

**➢ БПТ — партия таянчи**

Сиёсий партияларга берилаётган эътибор ва улар ҳуқуқ ҳамда ваколатларининг кенгайтирилаётгани фуқаролик жамиятининг ушбу муҳим институти зиммасидаги масъулиятни оширмоқда. Давр талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам тарғибот-ташвиқот тадбирларини кучайтиришга, жамиятда социал-демократия ғояларини ёйишга, фаолларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга бирламчи эътибор қаратиб келаяпти. Жорий йилнинг партия тизимида "Бошланғич партия ташкилоти йили" деб эълон қилингани, қуйи бўғин аъзолари учун махсус сиёсий ўқувлар ташкил этилгани бунинг ёрқин исботидир. Хўш, йилнинг биринчи чораги давомида қуйи ташкилотлар фаоллигини ошириш юзасидан қандай ишлар амалга оширилди-ю, қандай натижаларга эришилди? Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратининг Партиявий ўқувларни ташкил этиш сектори мудири Музаффар Ҳайитов билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

***— Ҳар қандай сиёсий партиянинг мақсад ва вазифалари асосан унинг қуйи бўғинлари орқали амалга оширилади. Партия Сиёсий Кенгашининг X пленумида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган эди. Жойлардаги бошланғич ташкилотлар ана шу масъулиятни бугун тўла ҳис этаяптиларми? Умуман, ислоҳотлар талабидан келиб чиққан ҳолда партиянинг ҳудудлардаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини қониқарли баҳолаш мумкинми?***

— Бошланғич ташкилотлар фаолияти бошқа партиялар қатори Ўзбекистон "Адолат" СДП учун ҳам мақсад ва вазифалар ижросини таъминлайдиган ҳамда электорат манфаатини ифодалайдиган асосий нуқта ҳисобланади. Бу тузилма зиммасига сайловолди дастуримизни ҳаётга татбиқ этиш ва электорат билан ишлаш вазифаси юклатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда партиямиз ана шу бўғин фаолиятини мунтазам такомиллаштириб бормоқда.



Хусусан, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг барча ҳудудий ташкилотларида жорий йилнинг биринчи чораги давомида "Бошланғич партия ташкилотларининг самарали фаолиятини ташкил этиш механизмлари" мавзусида ўтказилган ўқув-семинарлари доирасида ушбу тузилма фаолиятига оид бир қатор масалалар чуқур ўрганилди ва тегишли хулосалар чиқарилди. Энг муҳими, ана шу тадбирлар давомида аҳоли ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган, ташаббускор, етакчилик қобилиятига эга ва масъулиятли кадрлар танланиб, кадрлар захирасига олинди. Қуйи ташкилотлар фаолиятини кучайтириш орқали Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва ролини кенгайтириш, партия Марказий аппарати ва ҳудудий ташкилотларининг раҳбар кадрлари, бошланғич партия ташкилотлари фаолларининг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий онгини янада юксалтириш, уларда атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ва мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, касбий маҳоратини ошириш каби устувор мақсадларга эришиш кўзда тутилган.

Шунингдек, семинарлар доирасида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари БПТларга бириктирилиб, уларга электорат билан доимий алоқа ўрнатиш, қуйи бўғинлар фаолиятига халал бераётган муаммо ва камчиликларни аниқлаш вазифалари юклатилди. Бундан ташқари, БПТларга электорат вакилларининг қонуний манфаатлари юзасидан юқори партия ташкилоти ҳамда ўзига бириктирилган депутатга доимий тарзда таҳлилий материаллар ва таклифлар тақдим этиб бориш вазифаси топширилди.

Бундай ноанъанавий ёндашув натижалари фаолиятимизни бирмунча кучайтирди, дея оламиз. Масалан, Сирдарё ва Андижон вилоятларидаги бошланғич партия ташкилотлари аъзолари орасида айниқса, тиббиёт ходимлари кўпчиликни ташкил этади. Бугунги кунда улар томонидан «Она соғлом — юрт соғлом» ва «Саломатлигингиз ўз қўлингизда» мавзуларида турли тадбирлар ва аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда аниқланган ка-



салликларни даволашга қаратилган «Саломатлик акцияси» ташкил этилганлиги фикримиз далилидир. Натижада фуқароларда ўз саломатлигига эътибори ортиши баробарида партиямиз фаолиятига қизиқувчилар сафи ҳам кенгайиб бормоқда.

Шунингдек, Жиззах, Хоразм, Самарқанд ва Тошкент шаҳрида ҳам таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳада хизмат қилаётган кадрларнинг партиямиз аъзоси сифатида ўз соҳаларида фидойилик кўрсатаётганлигини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда, мазкур чора-тадбирлар самараси ўлароқ, БПТлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30 тага кўпайган бўлса, партия сафига мингдан ортиқ янги аъзолар қўшилди. Шунингдек, ўтказилган минтақавий ўқув-семинарларда 10 мингдан зиёд партия фаоллари иштирок этдилар.

***— Ютуқлар ва натижалардан фахрлансак арзийди. Аммо айрим ҳудудларда камчилик ва нуқсонлар борлиги ҳам қайд этилмоқда...***

— Ҳақиқатан ҳам, таҳлиллар айрим БПТлар фаолияти тизимли йўлга қўйилмаганини, айрим ҳудудий кенгашлар билан ишлаш қониқарсиз эканини ҳам кўрсатаяпти.

Мана, масалан, баъзи ташкилотлар идораларида партиянинг кўргазмавий қуроллари, тарқатма материалларининг йўқлиги, ўтказилган йиғилишларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг тегишли тартибда сақланмаганлиги, айрим қуйи партия ташкилотларининг йил давомида бирор ташаббус билан чиқмаганлиги ёки тарғибот тадбирлари ўтказилмаганлиги аниқланди.

Шунингдек, баъзи БПТ раисларининг аҳоли мурожаати ва муаммоларини ўрганиш ҳамда уларни партиявий усул ва воситалар ёрдамида ҳал этиш имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаслиги ҳам фаолиятимизга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Айрим БПТларда эса турли аҳоли қатлами вакилларини партия сафига жалб этиш жараёни мукаммал йўлга қўйилмагани туфайли жойларда ўсиш кўрсаткичлари паст даражада қолмоқда. Бошқа бир ҳудудларда БПТлар ишлаяпти. Аммо улар фаолияти кўзга ташланмаяпти. Бунга, шубҳасиз, туман ва шаҳар кенгашлари раҳбарларининг эътиборсизлиги, БПТлар билан алоқа ўрнатилмагани сабаб бўлаяпти.

Навоий, Фарғона ва Сирдарё вилоят партия кенгашлари тизимидаги БПТлар фаолиятида ана шундай камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Ушбу ҳудудлардаги қуйи бўғинларнинг 2012 ва 2013 йилдаги фаолияти ўрганилганда сиёсий-партиявий ва маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш, партия ғоя ва мақсадлари, дастурий вазифаларини кенг тарғиб этиш борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслиги маълум бўлди.

***— Бундай камчиликларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилмоқда?***

— Айрим ҳудудлардаги партия фаолларининг юқоридагидек муносабатига бефарқ қараб бўлмайди, албатта. Шунинг учун ҳам БПТ аъзоларининг, айниқса, етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга эътибор кучайтирилмоқда. Зеро, ишни ташкил этиш, юқори партия ташкилотлари талабларини бажариш учун партиявий тажриба билан бир қаторда сиёсий билимларнинг ҳам тўкис бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга сиёсий ўқувлар давомида намунали партия ташкилотларининг ютуқлари, эришган натижалари, иш фаолияти ўрганилиб оммалаштирилди. Жойларда ўтказилаётган тарғибот тадбирларининг таъсирчанлигини янада ошириш, замонавий сиёсий технологиялар ва ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш борасида зарурий тавсиялар берилди. Аҳоли орасида ўтказилаётган тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш, мазмунини оммабоплаштириш, шаклларини ўзгартириш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Агар тадбирларга нотиқлик санъатини мукаммал эгаллаган, моҳир сиёсатшуносларни жалб эта олсак, бу тадбирнинг қизиқарли бўлишини таъминловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирча аксарият тадбирларимиз шаблон бўйича 3-4 иштирокчининг маърузасини эшитиш билан тамом бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, қуруқ маъруза қизиқишни сўндиради. Шу боис, одат бўлиб қолган шаблондан четлашиб, тадбир ўтказишнинг бошқа шаклларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Айниқса, ёшлар орасида ўтказиладиган тадбирларда маърузабозлик яхши самара бермайди. Ғайратга тўлиб турган йигит-қизларда мусобақа руҳидаги, баҳс-мунозара шаклдаги тадбирлар катта таассурот қолдиради.

Бу борада Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг 2013 йил 29 декабрида бўлиб ўтган қўшма мажлисида қабул қилинган Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва янада ривожлантиришга оид қарори қўл келаяпти. Айнан ушбу ҳужжат БПТлар фаолиятини янги босқичга кўтариб, партиянинг мақсад ва вазифаларини жойларда, айниқса, чекка ҳудудларда тарғиб қилишда муҳим дастуриламал вазифасини ўтаяпти.

Мазкур қарорга асосан БПТлардаги ишчан раҳбарларни қўллаб-қувватлаш, ташаббускор ва инновацион ғояларга эга, партия фаолиятини янада ривожлантиришга ҳисса қўша оладиган фаолларни излаш ва уларни партиявий фаолиятга жалб этиш талаб этилмоқда.

Бундан кўзланган асосий мақсад — БПТларни партиянинг кучли қуйи бўғинига айлантиришдир. Бу эса пировардида сайловчилар билан партия алоқаларини мустаҳкамлайди.

Хулоса қилиб айтганда, БПТлар жамиятда шаклланаётган қарашларга янада фаол таъсир этиб, жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиши, ижтимоий муаммолар ҳал этилишига кўмаклашиши зарур. Улар ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, социал-демократик ғояларни тарғиб этишда Ўзбекистон "Адолат" СДП ва электорат ўртасидаги мустаҳкам кўприк вазифасини ўтамоғи лозим. Шундагина жамиятда партиямизнинг обрў-эътибори мустаҳкамланаверади.

**С.ЖАББОРОВА** суҳбатлашди.

# Бўлғуси бош ҳисобчилар малака оширмоқда

AGROBANK

"Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банкида "Филиал бош бухгалтери лавозимига захирага олинган ходимлар учун мўлжалланган тренинг-ўқитиш дастури" доирасидаги ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Ўқув дастурининг очилишида «Агробанк» ОАТБ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Н.Жиянов мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш, аҳоли фаровонлиги ва юртимиз тараққиётини юксалтиришда банк тизимининг ролини кучайтириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида тўхталиб, бу борада тижорат банклари олдига қўйилган устувор вазифалардан бири кадрлар захирасини тўғри ташкил этиш ва шакллантиришдан иборат эканлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, банк тизимидаги кадрлар сиёсатининг асосий мақсади — кадрларни тўғри танлаш ва тақсимлаш, хизмат пиллапоялари бўйича ўсишини режалаштириш, раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш, шунингдек, ходимларни даврий малака ошириш курсларига жалб қилиш, олий бизнес мактаблари ва хорижий давлатларда таҳсилни давом эттириш ва тажриба орттиришларига шарт-шароитлар яратиш, пировардида, бозор муносабатлари шароитида банкнинг барқарор ривожланиши ҳамда рақобатбардошлигини таъминлай оладиган мутахассислар жамоасини шакллантиришдан иборатдир.

"Агробанк" томонидан ташкил этилган мазкур семинар ҳам айнан шу жиҳатлари билан аҳамиятлидир. Муассасанинг барча минтақавий инфратузилмалари бош бухгалтер лавозимига захирага олинган ходимлар ўқитилишини қамраб олган ушбу тренинг-машғулотлар 7 кун давомида йигирмадан ортиқ мавзулар доирасида ўтказилиши мўлжалланган. Ҳар бир ўқув дастури кунлик амалиётдаги ҳолатларга асосланган "вазиятли масалалар" билан ишлаш тартибини ўз ичига олган.

Мазкур семинар Президентимизнинг "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори юзасидан олиб борилаётган энг муҳим тадбирлардан бири сифатида айни пайтда долзарблик касб этади. Негаки, қарор асосида илгари сурилган талаблар, жумладан, тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш, уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш ва етакчи рейтинг компанияларининг юқори рейтинг поғоналаридан ўрин олишини таъминлаш кадрлар салоҳияти, айнан ҳисоб-китоблар амалиётини бажарувчи бухгалтерлар меҳнати самараси билан юзага чиқади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, "Агробанк" томонидан бухгалтерлар малакасини ошириш, уларнинг халқаро стандартларни ўзлаштиришда амалий кўмак беришга қаратилган ушбу ўқув дастури долзарб саналиб, муассаса олдига қўйилган вазифаларни юқори савияда амалга оширишда ўта аҳамиятлидир.

**Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ**

ADOLAT
№ 13 (973) 2014-yil
28-mart, juma

# Ижтимоий шериклик — турмуш фаровонлиги омили

**➢ Дастурий ғоялар — амалиётга!**

Қуёш тоғолди қишлоқдаги ҳовлининг қудуғидан сув чиқариб бермоқда. Мўъжазгина иссиқхонада сабзавот етиштиришга дастёрлик қилмоқда. Чеварларнинг тикув машинасини ҳаракатга келтирмоқда. Ва, бу жараён эртага ҳам, индинга ҳам узлуксиз давом этишини сахийлик билан таъминлаб турмоқда. Ҳовли томига ўрнатилган муқобил электр станцияси, аниқроғи қуёшдан нур олиб қайта тикланувчи энергия манбаининг афзаллиги, беминнатлиги ҳам шунда. Шу боис янгилик фаровонлик шарти сифатида қишлоқ турмушига эмин-эркин кириб келмоқда.




Дарвоқе, Ургут туманида "Адолат" СДПнинг дастурий ғояларига хос ва мос яна бир муҳим ташаббусга қўл урилди. Бу ерда ҳокимлик ва манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари, партия кенгаши ҳамда электорат вакиллари иштирокида қайта тикланувчи энергия манбаларини амалиётга жорий этиш бўйича фойдали мулоқот ўтказилиб, тобора маъқулланиб бораётган бу жараённинг тасдиғи сифатида туман таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими биносига партия Сиёсий Кенгаши ёрдамида қуёш батареяси ўрнатилди.

Шу муносабат билан мулоқотга тўпланганлар ҳузурида сўзга чиққан "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Н.Умаров ўтган йилнинг март ойида Юртбошимиз томонидан "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармоннинг имзоланиши мамлакатнинг тараққиёти, эртанги куни ва турмуш ободлигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлаётганини таъкидлади. Белгиланган мақсадларга эришишда давлат идоралари билан ижтимоий шериклик муносабатларини кучайтириш мақсадга мувофиқ эканлиги эътироф этилди.

Айтиш лозимки, бу каби мулоқотлар Сиёсий Кенгаш ва унинг ҳудудий партия ташкилотлари томонидан биринчи марта ўтказилаётгани йўқ. Муҳокама марказига қўйилаётган масала долзарб. Унинг муваффақияти манфаатдор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни, ваколатлардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Демак мақсад аниқ, имкон излаётганлар эса кўпчилик. Шу боис ҳар сафар тарғиботнинг таъсирчан, самарали усулларидан фойдаланиб мавзуга ёндашиш, истиқболли ишнинг зарур ечимларини таклиф этиш, бир ҳудуд доирасидаги ташаббус ва тажрибаларни бошқа жойларда ҳам оммалаштиришга интилиш мулоқотларга янгича мазмун-моҳият бағишламоқда.

Мавзуга айнан Ургут тумани мисолида тўхталадиган бўлсак, Самарқанд вилоятининг тоғолди ҳудудида жойлашган ва қарийиб 400 минг нафар аҳоли истиқомат қиладиган бу туманда қайта тикланувчи энергия манбаларини ўзлаштиришга зарурат ҳам, эҳтиёж ҳам кучли. Туманда соғлиқни сақлаш ва таълим муассасаларининг маълум қисми аллақачон муқобил энергия манбаларига уланган. Эътиборлиси шундаки, ишончли тарғибот-ташвиқот туфайли бу ишнинг истиқболини сезган 150 хонадон аъзолари ҳам бугун қуёш батареяларидан беминнат фойдаланишмоқда. Ургутликлар тажрибани шахсий ҳовли-уйларда қўллаш бўйича керакли ёрдам, йўл-йўриқ олиш борасида кимга, қачон мурожаат қилиш лозимлигини ҳам яхши билиб олишган.

— Биз масалани жамоатчилик орасида тарғиб этиш билан кифояланмай, ҳокимиятнинг вакиллик органида депутатлар иштирокида муҳокама этиш ва янада қулай ечимларни топишга интилаяпмиз, — дейди партиянинг туман кенгаши раиси Роббим Эсонов. — Хусусан, муқобил энергия воситаларини шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш ва бунинг учун зарур инвестиция маблағларини жалб этиш масаласини туман кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритмоқчимиз.

Дарвоқе, дастурий вазифага ана шундай масъулият ва манфаатдорлик билан ёндашиш туфайли Ургут туман партия кенгаши "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши томонидан 2013 йилда ўтказилган "Муқобил энергиядан фойдаланишнинг энг фаол тарғиботчиси" кўрик-танловида биринчи совринни қўлга киритгани бежиз эмас. Бундай эътироф туман партия кенгаши ва унинг депутатларини амалий ишлар доирасини кенгайтиришга, янги таклиф-ташаббуслар билан электорат орасига чуқурроқ кириб боришга ундамоқда, десак хато бўлмайди.

Мулоқотда сўз олган Ургут туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳиммат Оқбўтаев аҳоли турмушини фаровонлаштириш, иқтисодиётни соғломлаштириш борасидаги бундай ҳамкорликдан томонлар бирдек манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, куни кеча Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ҳамда Тошкент вилоят кенгаши кўмагида Ўртачирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасида қуёш батареялари ўрнатилди.

— «Адолат» партияси томонидан тақдим этилган 2 кВт қувватли қуёш батареяси ва мобил қурилма туманимиз аҳли учун ҳақиқий Наврўз тухфаси бўлди, — деди Ўртачирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Неъматжон Арслонов.

**З.ТЎРАҚУЛОВ**

## ? Сўранг, жавоб берамиз!

Бобомнинг вафоти ҳақидаги далолатнома керак бўлиб қолди. Менга уни вилоят ФҲДЁ архивидан олишим мумкинлигини айтишди. Айтингчи, далолатнома ёзувларининг сақланиш муддати қанча? Бундай архивларда тарихий аҳамиятга эга ёзувлар ҳам борми?

*Алишер Боймуродов*
*Тошкент вилояти.*

Туғилганлик, никоҳ ва ўлим ҳақидаги далолатнома ёзув дафтарлари ФҲДЁ бўлимларида ҳам, вилоят ФҲДЁ архивларида ҳам 75 йил давомида сақланади. Бу муддат ўтгандан сўнг далолатнома ёзувларининг биринчи нусхалари адлия бошқармалари ФҲДЁ архивларига топширилади. Архив далолатнома ёзувларининг ҳар иккала нусхалари солиштирилиб, эскирган, ўчиб кетган ёзувларни ўзида сақланаётган ёзувлар билан алмаштиради. Етишмаган ёзувларни тўлдиради ва тегишли расмийлаштиришлардан сўнг сақлаш учун Марказий давлат архивига топширилади.

Айни пайтда Тошкент шаҳар Марказлаштирилган ФҲДЁ архивида сақланаётган ўта ноёб акт китоблари ҳам мавжуд. Масалан, Тошкент шаҳридаги немис — лютеран черковининг 1892-1896 йиллар бўйича никоҳ ҳақидаги ва 1910-1921 йилларда Тошкент шаҳридаги Георгиев собори бўйича туғилиш, никоҳ ва ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви китоблари шулар жумласидандир.

Саволга Чирчиқ шаҳар 1-сон ДНИ нотариуслари
**Нилуфар НУРМАТОВА,**
**Левиза АБДУЛҒАНИЕВА** жавоб берди.

Кейинги пайтларда васийлик ва ҳомийлик деган иборалар тез-тез қулоққа чалиниб турибди. Айтингчи, васийлик ва ҳомийлик кимларга ва ким томонидан тайинланади?

*Шерали Тиловолдиев*
*Тошкент вилояти.*

Васийлик — ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли.

Ҳомийлик — ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли. Шунингдек, соғлиғининг ҳолатига кўра, мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга бу шахсларнинг илтимосига кўра ҳомийлик белгиланиши мумкин. Васийлик ва ҳомийлик васийлик ва ҳомийлик органи ёки жойлардаги ҳокимият органлари томонидан тегишли ташкилотларнинг тақдим этган ҳужжатлари асосида тайинланади.

Саволга Чиноз тумани ДНИ нотариуси
**Баҳодир КАРИМОВ** жавоб берди.

Яқинда рўй бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишдаги таъсир чораларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг Давлат ёнғин хавфсизлигига тегишли айрим моддаларига ўзгартиришлар киритилгани ҳақида эшитиб қолдим. Мазкур ўзгартишлар мазмуни ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

*Нилуфар Мирзаева*
*Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани.*

2013 йил 4 январь куни расмий эълон қилиниб, кучга киритилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг 4-модда, 6-қисмига асосан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 249-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилган:

"Давлат ёнғин назорати органларига ушбу кодекснинг 84, 124, 211-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Давлат ёнғин назорати органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазо қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати бўйича бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваригача миқдорда жарима солишга;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги ҳамда транспортдаги ёнғин назорати бўйича бош давлат инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати бўйича бош давлат инспекторининг катта ёрдамчилари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг тўрт бараваригача, мансабдор шахсларга эса — саккиз бараваригача миқдорда жарима солишга;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги ҳамда транспортдаги ёнғин назорати бўйича бош давлат инспекторларининг катта ёрдамчилари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваригача миқдорда жарима солишга;

Туманлар (шаҳарлар), ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги, транспортдаги ва жазони ижро этиш муассасалари ёнғин назорати бўйича катта давлат инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваригача миқдорда жарима солишга;

Туманлар (шаҳарлар), ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги, транспортдаги ва жазони ижро этиш муассасалари ёнғин назорати бўйича давлат инспекторлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваригача миқдорда жарима солишга".

Саволга Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
катта муҳандиси, майор **Дониёр УРМАНОВ**
жавоб берди.

# Репродуктив саломатлик — соғлом авлод гарови

**➢ "Аёллар қаноти"**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги йўналиши ижросини таъминлаш мақсадида Зафаробод туман партия кенгаши бир қатор амалий ташаббуслар билан чиқмоқда.





Жумладан, Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда туман партия кенгаши "Аёллар қаноти" ҳудуддаги ФҲДЁ органлари, туман Соғлиқни сақлаш бўлими, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режаси асосида аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятини ошириш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш омиллари, эрта никоҳларнинг олдини олиш масалаларида семинарлар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар ўтказилаётир. Ўтказилаётган йиғилишлар давомида ушбу мавзуларга тегишли буклетлар ва плакатлар тайёрланиб, аҳолига етказиб берилмоқда.

Зафаробод туман партия кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан ўтказилган "Репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш — соғлом, барқарор ва обод оила гарови" мавзусидаги давра суҳбатида ҳам асосий эътибор аҳолининг тиббий саводхонлиги ва маданиятини ривожлантиришга қаратилди.

Партиянинг туман кенгаши фаоллари, туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ўқитувчилар ҳамда ёшлар иштирок этган тадбирда қайд этилдики, юртимиз аҳолисининг катта қисмини болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат тегишли қонун ва қарорлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган ва тобора такомиллаштириб борилмоқда. Айниқса, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, бу борадаги ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича аниқ мақсадли йўналишлар доирасида йўлга қўйилган дастурлар асосида «Фертил ёшдаги аёлларни, болаларни ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги» ташкил этилаётгани эътиборга молик. Унинг доирасида туманнинг чекка қишлоқларида ҳам фертил ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Давра суҳбати иштирокчиларининг фикрича, чекка қишлоқларда ҳам болалар гинекологияси ва эндокринологияси бўлимларини ташкил этиш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш, тиббиёт ходимларининг касбий маҳорат ва билимини ошириш масаласига эътиборни кучайтириш лозим.

— Партиямиз Сайловолди дастурида оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгиланган, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП туман кенгаши раиси Гулбаҳор Хушвақтова. — Шундан келиб чиқиб, жойларда аҳоли, хусусан, болалар ва ўсмирларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни ўрганишда партиямиз вакиллари фаол иштирок этишмоқда. Ўрганиш жараёнида мазкур йўналишда қатор камчиликлар ҳам кузатилди. Масалан, болалар ва ўсмирларнинг гинекологик касалланиши бўйича умумий йўриқнома ва ҳужжатлар, шунингдек, касалланиш бўйича аниқ кўрсаткичлар мавжуд эмас. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун Соғлиқни сақлаш бўлими масъулиятни кучайтириши, болалар ва ўсмирлар репродуктив саломатлик хизматини такомиллаштириш, соҳадаги мавжуд муассасаларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

— Давра суҳбатида кўтарилган масалалар биз аёллар учун фойдали ва жуда муҳим. Чунки ҳар бир она, ҳар бир оила фарзандлари соғлом бўлишини истайди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вакиллари томонидан ташкил этилган бугунги тадбир орқали касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган маъқул, деган хулосага келдик — деди тадбир иштирокчиси Мамлакат Болибекова.

Давра суҳбати якунида муҳокама этилган масалалар умумлаштирилган ҳолда «Соғлом бола йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури асосида аҳолининг тиббий маданиятини оширишга оид тадбирларни кўпайтириш зарурлиги юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.



**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Жиззах вилоят кенгаши
матбуот хизмати

# Ҳудудий партия ташкилотларида

## Фаолиятда мустақил!

**БПТ нимага қодир!**

Дастлаб эътиборингизга шундай маълумотни ҳавола этмоқчимиз. Ўтган бир ой мобайнида "Адолат" СДПнинг Самарқанд шаҳар ва туманлар кенгашлари рўйхатидаги бошланғич партия ташкилотлари 40 тага, қуйи бўғин аъзоси сифатида сиёсий фаолиятни бошлаган кишилар сони 900 нафарга кўпайди. Бу БПТларнинг деярли барчаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлажак сайловлар ўтказиладиган округлар ҳудудида тузилганлиги билан ҳам эътиборга лойиқдир.



Партия вилоят кенгаши Соғлом бола йилида ҳам ўзининг таянч бўғинлари фаолиятини кенгайтиришни, улар сафларини сиёсий жиҳатдан етук, салоҳиятли кадрлар билан тўлдиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

— Аслини олганда Соғлом бола йилига бағишланган Давлат дастуридаги вазифалар ижросини таъминлаш нафақат ҳокимият идоралари, балки жамоат ташкилотлари, шу жумладан, сиёсий партияларнинг ҳам кечиктириб бўлмас иши, — дейди "Адолат" СДПнинг Самарқанд вилояти кенгаши раиси М.Бобоёров. — Ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда ҳозир биз бирбиридан сермазмун мулоқотлар, учрашувлар ўтказишга ҳаракат қилаяпмиз.

— Сиёсий Кенгаш томонидан 2014 йил — партия тизимида БПТлар йили деб эълон қилингани бизни янада ҳозиржавобликка, фаолиятга танқидий қараб зарур хулосалар чиқаришга ундамоқда, — дейди "Адолат" СДП вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мастура Шарипова. — Чунки айни шундай ёндашув туфайли партиянинг қуйи бўғинлари билан ўзаро амалий, ишчанлик муносабатларини йўлга қўйиб олмоқдамиз. Уларнинг ваколат доирасида самарали фаолият юритишлари, меҳнат жамоасидаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишда куч таъсири яққол сезилиб туриши учун БПТ раисларига зарур тавсиялар, амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, бошланғич партия ташкилотлари жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва муайян ижтимоий муаммони меҳнат жамоаси фойдасига ҳал этишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз кўмагига таянмоқда.

Самарқанддаги энг йирик тиббиёт масканларидан бири — "Бионурмедсервис" даволаш-ташхис клиникаси қошидаги БПТ хусусида шундай дейиш мумкин. 15 нафар партия аъзосини бирлаштирган ва даволаш ишлари самарадорлигини оширишда мунтазам янги таклиф, ташаббуслар билан чиқаётган мазкур қуйи ташкилот нафақат маъмурият, балки беморлар эътиборига ҳам тушиб қолган. БПТ раиси Зафар Пўлатов ўз атрофига сиёсий маслакдош сифатида тажрибали врачлар, ҳамширалар ва бошқа мутахассисларни жамлаб олгани клиника фаолиятига касбий малака ва хабардорлик, айни чоғда сиёсий талабчанлик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашиб кўпгина ижобий ўзгаришларни амалга ошириш имконини бермоқда. Ташхисда энг аниқ натижани қайд этиш мақсадида клиника янги русумдаги магнит тебранишли томограф билан жиҳозлантирилгани, физиотерапия бўлимига беморларни дарддан тезроқ фориғ этадиган мукаммал ускуналар ўрнатилгани ана шу ёндашувлар самарасидир.

Дарвоқе, яқинда партия вилоят кенгаши ташаббуси билан вилоятдаги бир қатор манфаатдор ташкилотлар иштирокида "Бионурмедсервис" клиникасида «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари учун байрам шодиёнаси ўтказилди. Унда меҳр-оқибатга ва ғамхўрликка муҳтож болаларга байрам совғалари улашилди, дастурхон ёзилди, қўғирчоқ театри актёрлари ижросида ажойиб спектакль намойиш этилди.

**Шуниси эътиборлики, партия кенгашлари таркибидаги янги БПТлар асосан тарғиботдан, ташкилий-сиёсий ишлар марказидан олисда жойлашган округлар ҳудудида ташкил этилмоқда. Вилоятнинг Қўшработ, Пахтачи, Нарпай, Пайариқ туманлари мисолида шундай дейиш мумкин. Хусусан, Ургут туман тиббиёт бирлашмаси қошида тузилган ва 200 нафар партия аъзосига эга БПТ ёки Қўшработ туман тиббиёт бирлашмасидаги 100 нафар сиёсий маслакдаги жамланган қуйи ташкилотлар ҳақида шундай дейиш мумкин. "Адолат" СДПнинг вилоят кенгаши раҳбарияти бу сайловлар жараёнида партия мақсадларини тўлароқ амалга ошириш, ҳокимиятнинг вакиллик органларида кўпроқ ўринга эга бўлиш учун БПТларни катта куч, деб ҳисоблашмоқда.**



Самарқанд вилоятида "Адолат" СДПнинг янги бошланғич партия ташкилоти ўз фаолиятини бошлаганлигини мамнуният билан қайд этиш лозим. Филология фанлари доктори Саодат Боймирзаева раҳбарлик қилаётган ва 35 нафар партия аъзосидан иборат мазкур қуйи ташкилот ўз ваколатларидан яхшигина хабардор бўлгани ҳолда аллақачон сиёсий ҳамкорлик йўналишида қимматли таклифларини баён этмоқда.

Шуниси эътиборлики, партия кенгашлари таркибидаги янги БПТлар асосан тарғиботдан, ташкилий-сиёсий ишлар марказидан олисда жойлашган округлар ҳудудида ташкил этилмоқда. Вилоятнинг Қўшработ, Пахтачи, Нарпай, Пайариқ туманлари мисолида шундай дейиш мумкин. Хусусан, Ургут туман тиббиёт бирлашмаси қошида тузилган ва 200 нафар партия аъзосига эга БПТ ёки Қўшработ туман тиббиёт бирлашмасидаги 100 нафар сиёсий маслакдаги жамланган қуйи ташкилотлар ҳақида шундай дейиш мумкин. "Адолат" СДПнинг вилоят кенгаши раҳбарияти бу сайловлар жараёнида партия мақсадларини тўлароқ амалга ошириш, ҳокимиятнинг вакиллик органларида кўпроқ ўринга эга бўлиш учун БПТларни катта куч, деб ҳисоблашмоқда.

Бу гапларга қўшимча қилиб шуни айтиш лозимки, БПТлар партия кенгашлари ва уларнинг депутатлари учун сиёсий фаолиятнинг аниқ, синалган барометри бўлиб ҳисобланишмоқда. Чунки кенгаш аъзолари ва депутатлари ўз ваколатларидаги кўпгина масалаларда, хусусан, ҳудудлар бўйича давлат мақсадли дастурлари ижросини назорат қилишда айнан БПТларнинг меҳнат жамоаларида умумлаштирилган хулосаларига таяниб иш кўришни афзал билишмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида балиқчилик, асаларичилик ва паррандачиликни оилавий тадбиркорлик доирасида ривожлантириш алоҳида эътиборга олингани ҳамда ушбу эҳтиёжлар учун тижорат банклари томонидан салмоқли кредитлар ажратилишига эришилгани фикримизнинг тасдиғидир. Партиянинг Ургут, Пастдарғом туманлари кенгашлари қошидаги БПТларнинг таклифлари бу борада зарур аҳамият касб этганлигини таъкидлаш жоиздир.

Демак, фаровон турмуш, ислоҳотлар самараси ва ижтимоий адолат учун курашчанлик БПТга хос хусусият. Бу курашчанликни партия кенгаши астойдил қўллаб-қувватлайверади. Мустақил фикр, ташаббусларни инобатга олиб рағбатлантириб боради. Бир-бирини тушуниш ва стратегик мақсадларда ҳамкорлик қилиш эса партиянинг умумий нуфузини оширибгина қолмай, электоратнинг ишончини оқлаш, уларнинг мурожаатларига "лаббай" деб ҳозиржавоблик билан қараш имконини бермоқда.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
"Adolat" мухбири

## Ўзбекистон «Адолат» СДП хабарлари

Юртимизда давом этаётган Наврўзи олам шодиёналари Андижон туманидаги "Камолот" кўчасида қўшалоқ байрамга айланди. «Соғлом бола йили»да бу ерда барпо этилган янги тиббий пунктнинг фойдаланишга топширилиши барчани қувонтирди.

Маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари ва партия фаоллари иштирокидаги тадбирда сўз олганлар янги тиббий масканнинг фойдаланишга топширилиши "Соғлом бола йили"да аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш ва фарзандларимиз камоли йўлида яна бир муҳим қадам бўлганлигини таъкидладилар.

— Тиббий пункт аҳоли билан бирга водий фаол ёшлар Марказида дам олувчи 380 нафар фарзандларимизга ҳам хизмат қилади. Бунинг учун малакали мутахассислар ва замонавий тиббий жиҳозлар ажратилди. Бир вақтнинг ўзида ёшлар дам олиш билан бирга саломатлигини ҳам тиклаш имкониятига эга бўлади, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон туман кенгаши раиси Н.Зокирова. — Янги тиббий масканда партиямизнинг бошланғич ташкилотини очишни режалаштирдик. Чунки аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда сафимиздаги тиббиёт ходимлари ҳам фаол иштирок этадилар.

**Акбаржон НАЗАРОВ**

Азал-азалдан меҳр-мурувват, оқибатлилик тантанаси ҳисобланган Наврўзнинг таровати жорий "Соғлом бола йили"да янада яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги дастурий вазифалар Наврўз тантаналари билан уйғунлашган ҳолда ўзининг амалдаги ижросини топмоқда.



Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Чилонзор туманидаги 22-сонли «Меҳрибонлик уйи»да Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган саховат тадбири ҳам кўнгли ярим, меҳрга муҳтож тарбияланувчиларга олам-олам завқ бағишлади. Муассаса ҳовлисида ҳалим, гўжа, кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхон атрофида жамланган болажонларнинг қувончию шодлиги байрам тадбирига ташриф буюрган эстрада хонандаларининг куй-қўшиқлари билан янада кўтаринки тус олди.

Шунингдек, болажонлар ҳам ўзлари ёд олган она табиатни, Ватанни, баҳор ва Наврўзни тараннум этувчи шеърлари, бадиий чиқишлари ҳамда рақслари билан байрам тадбирига ўзгача кайфият бахш этишди.

Тадбир сўнггида «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига Тошкент шаҳар партия кенгашининг совғалари топширилди.

**Бобур ОТАМУРОДОВ**



## Обод, озод ва фаровон ҳаёт турмушимиз мезони бўлсин!

Инсон дунёга бахтли яшаш учун келади. Бу саодатга тинч, хотиржам ва осойишта ҳаёт орқали эришиш мумкин. Зеро, инсон бахти ва иқболи учун зарур моддий ва маънавий неъматларнинг асоси тинчликдир.

Тинчлик ҳукмрон юртдагина инсон буюк ва эзгу орзуларни кўнглига тугиши ҳамда уларнинг ушалишидан қалби қувончга тўлиши, ўз иқтидори, қобилияти ва салоҳиятини тўла намоён этиши мумкин. Юрти тинч, кўнгли хотиржам халққа тўй ва тантаналар, шодлик ва хуррамлик ярашади, аҳиллик ва тотувлик, қут-барака ҳамдам бўлади. Халқимиз бу олий неъматни доим улуғлаб келишининг, дуога қўл очганда Яратгандан, аввало, эл-юртга тинчлик ва осойишталик, фаровонлик ҳамда ободлик тилашининг сабаби ҳам шунда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти кенгаши фаоллари ташаббуси билан Жиззах туманида ўтказилган "Обод, озод ва фаровон ҳаёт турмушимиз мезони бўлсин" мавзусидаги давра суҳбатида ҳам тинчлик бебаҳо неъмат эканлиги, юртимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва тотувлик тинчликни таъминловчи катта куч эканлиги таъкидланди.

Партия вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Рустам Тўйчиев ўз чиқишида Президентимизнинг Наврўз тантаналарида бутун халқимизга йўллаган байрам табригида ҳам инсон қадр-қиммати улуғланаётган юртимизда тинчликни асраш, миллатлараро тотувликни таъминлаш, ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш масалалари яна бир бор тилга олингани ва бу бежиз эмаслигини алоҳида таъкидлади.

— Мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз, шубҳасиз, тинч-тотув ҳаётимиз, кун сайин фаровонлашиб бораётган турмушимиз, миллий анъана ҳамда қадриятларимизнинг қайта тикланганидир. Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли иқтисодиётимиз юксалиб, юртимизнинг ҳар гўшаси тобора чирой очмоқда, ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган беқиёс ютуқ ва марралар қўлга киритилаётир.

Мамлакатимиз бўйлаб кўтаринки кайфиятда нишонланаётган янгиланиш ва яшариш айёми — Наврўзи олам тантаналари ҳам она Ватанимизда ҳукм сураётган осойишталик, турли миллат ва элатлар ўртасида шаклланган ҳамжиҳатлик, дўстлик ҳамда тотувлик билан бевосита боғлиқдир. Зеро, тинч ва обод мамлакатга шодиёналар ярашади, — деди Жиззах давлат педагогика институти тарих факультети кафедра мудири Мўминхон Хошимхонов.

— Мен шундай осмони мусаффо, бағрикенг, меҳнатсевар ҳамда обод юртнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман, — дейди тумандаги Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси Акбаршоҳ Туропов. — Президентимизнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзини барчамиз катта ҳаяжон билан тингладик. Айниқса, "...ўз қадр-қимматини, Ватани олдидаги ўз бурчини чуқур англаган, ўз олдига баланд марралар қўйиб, дунёдаги барча тенгдошлари билан беллашувга тайёр фарзандларимни бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз, деб юксак қадрлаймиз ва сиз ёшларимизни эъзозлаб камол топтиришда ўзимизни ҳеч қачон аямаймиз", дея айтган сўзларидан қалбимиз чексиз фахр ва ифтихорга тўлди. Бундай юксак эътиборга муносиб бўлиб, юртимиз равнақи йўлида бор куч ва салоҳиятимизни ишга солишга ваъда берамиз.




Бугунги тадбирдаги мулоҳазалардан биз ёшлар Ватанимиз равнақи, тинчлиги, фаровонлигига муносиб ҳисса қўшадиган кадрлар бўлиб етишишимиз учун яратилган шароитлардан унумли фойдаланишимиз, чуқур билим олишимиз, замонавий технологияларни пухта ўзлаштиришимиз зарур эканлигига амин бўлдим.

**Улуғбек ЗУФТАРОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти кенгаши матбуот котиби

ADOLAT
№ 13 (973) 2014-yil
28-mart, juma

## Касаначилик:
# муносиб ҳаёт кечиришга имкон яратади



**➢ Фаолият**

*Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилаётган ҳозирги даврда инсон капиталини ҳисобга олган ҳолда касаначиликдан самарали фойдаланиш аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун етарли бўлган серунум ва самарали меҳнатга жалб этиш ва бандлигини таъминлаш, оилалар даромади ва фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутади.*

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик фаолиятининг бу тури билан ота-боболаримиз қадим-қадимдан шуғулланиб келишган. Яъни, ҳунармандчилик, темирчилик, косибчилик каби касб-ҳунарнинг ўнлаб турлари билан шуғулланиб, оилалари даромадини таъминлаган аждодларимизнинг тайёрлаган маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки Буюк Ипак йўли орқали ўтган савдо карвонлари воситасида ғарб ва шарқ мамлакатларида ҳам харидоргир бўлган.

Бугунги кунга келиб бозор муносабатларининг шиддат билан ривожланиши касаначилик соҳасида янгича ёндашувларни талаб этиб, мамлакатимизда оилавий тадбиркорликнинг бундай анъанавий кўриниши янада ривож топмоқда. Бугун улар оилавий корхоналар, хонадон цехлари, оилавий тадбиркорлик ва микрофирмалар, деб ҳам юритилмоқда.

Биргина ўтган 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида яратилган 970 минг иш ўринларидан 210 мингдан зиёди айнан касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан ташкил этилганлиги, жорий йилда ҳам уй меҳнатининг, авваламбор, меҳнат шартномаларига асосланган касаначилик меҳнатини ривожлантириш орқали 221 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш мўлжалланаётгани соҳа ривожига эътибор юксаклигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда касаначиликнинг тутган ўрни беқиёс. Айниқса, глобаллашув жараёнида замонавий меҳнат бозори кўпроқ фаолликни талаб қилаётган ҳозирги даврда корхоналар, фирмалар, иш берувчилар ўз харажатларини тежаш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида кўпроқ касаначилар меҳнатига эътибор қаратмоқда. Жумладан, Европа, Америка ва Осиёнинг бир қатор мамлакатларида ўз уй-жойида ишлаётган ходимлар ўртасида сўров ўтказилганда, улар иш манфаати ва шахсий ҳаётини бирлаштириш остида меҳнат унумдорлигини оширишга эришаётганлигини таъкидлашди.

Жаҳон меҳнат бозорида ҳам йилдан-йилга касаначилик билан шуғулланаётганлар сони ортмоқда. Масалан, Европа мамлакатларида 1995 йили касаначилар сони 4 миллионни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 100 миллионга етган.

Халқаро муносабатларда уйда меҳнат қиладиган касаначиларнинг меҳнатини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан 1996 йил 20 июнда "Касаначилик тўғрисида"ги конвенция қабул қилинган. Ушбу конвенцияда касаначиликка оид муносабатлар тартибга солинган бўлиб, унинг қоидаларига мувофиқ, ҳар бир давлат ўзининг миллий қонунчилиги асосида касаначилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириши лозим.

Мустақиллик йилларида юртимизда касаначилик фаолиятини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилди ва амалга татбиқ этилмоқда. Ўтган давр ичида қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан мамлакатимизда фаолият юритаётган йирик саноат корхоналарида касаначилик меҳнатини жорий қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши оила бюджети даромадларини оширишдек муҳим муаммони ҳал этибгина қолмай, иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш ва уларнинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини ҳам бермоқда.

**Партия давлатимиз томонидан аҳоли даромадини изчиллик билан кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлайди. Биз ушбу сиёсатни иқтисодий ўсишнинг тўловга лаёқатлилик талабини ошириш, ишчи-хизматчилар ва уларнинг оиласини муносиб ҳаёт кечириши учун етарли бўлган серунум ва самарали меҳнатни рағбатлантиришга қаратилган асосий саъй-ҳаракатлардан бири сифатида қабул қиламиз. Инсон капитали мамлакатимизнинг муҳим миллий бойлиги ҳисобланади ва партия уни ҳар томонлама кўпайтириш ҳамда ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ташаббусини илгари суради ва уларни қўллаб-қувватлайди.**

*«Адолат» СДП Сайловолди дастуридан*

Айни вақтда бу соҳа анча кенгайтирилди ва электрон саноатда, телекоммуникация, сервис ва хизмат кўрсатишда ихчам, аммо мураккаб ускуналар орқали фаолият олиб боришга имконият яратилди.

Касаначиликнинг иш берувчи учун ҳам, ўз навбатида касаначилар учун ҳам қулай томонлари кўп. Муҳими, касаначилар уй шароитида иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномасига асосан белгиланган меҳнат фаолияти билан шуғулланадилар. Уларнинг номига қонун талаблари асосида меҳнат дафтарчалари юритилади, шунингдек, иш стажини ҳисоблаш, пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи қонуний асосда кафолатланган. Яна бир қулай томони, улар иш вақтини ўз хоҳишига кўра тақсимлайдилар, касаначилар ишига қоидага кўра, ишбай ҳақ тўланади.

Мамлакатимиз қонунчилигига кўра, касаначилик меҳнатини ташкил қилишда бир қатор имтиёзлар белгиланган. Жумладан, касаначилик меҳнатини ташкил қилган корхоналар касаначилар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан беш йилгача озод қилинган. Корхонанинг буюртмаси юзасидан тузилган шартнома бўйича ишларни бажаришда касаначига текин фойдаланиш учун корхона томонидан берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарлар мулк солиғи тўловидан озод қилинади. Корхоналар билан меҳнат шартномаси тузган касаначилар банд аҳоли тоифасига киради ва уларга меҳнат дафтарчаси берилади, пенсиялар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилади.

Касаначиликнинг яна бир афзаллиги унинг оиладан, уй ишидан ажралиб корхона, ташкилотларда ишлаш имконияти бўлмаганлар ва ёрдамчи даромадга муҳтож шахслар учун мақбул меҳнат тури эканлигидир. Касаначиликнинг айниқса, қишлоқ жойларида уй-рўзғор ишлари, оилада бола тарбияси билан банд бўлган ва ёрдамчи даромадга муҳтож аёллар учун ташкил этилиши аҳамиятлидир. Шу билан бирга бунга ногиронлар ҳам жалб этилиши мумкин. Қолаверса, у ҳунармандчиликни ривожлантириш ва оиладаги ёшларни шогирдликка жалб этишда қўл келади.

Эндиликда уйда ишлаётган фуқароларга имтиёз ва енгилликлар бериш орқали касаначиликни қўллаб-қувватлаш, унинг такомиллашган механизмини яратишни давр тақозо этмоқда.

Президентимиз фармонига кўра, касаначиликни ривожлантириш чоралари белгиланганлиги ва ундан аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш воситаси сифатида унумли фойдаланиш тадбирлари назарда тутилгани ушбу соҳага доир ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш вазифасини кун тартибига қўймоқда. Хусусан, юртимизда касаначилик фаолияти ривожланишини янада рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун кўпроқ эркинлик бериш ҳамда уларни ташкил этиш механизмларини соддалаштириш, касаначиликка оид қонуности ҳужжатларида тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган бир қатор имтиёз ва преференцияларни янада мустаҳкамлашга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш, меҳнаткашлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, бизнес-тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада ошириш ва бу борада қонунчилик базасини такомиллаштириш зарур.

Қолаверса, касаначилик фаолиятининг афзалликлари, яратилган имтиёзлар ҳақида аҳоли орасида янада кенгроқ тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш лозим. Бу жараёнда ННТлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда сиёсий партияларнинг, хусусан, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ўрни муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, оилаларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлган хусусий секторнинг мавқеини янада ошириш оилавий тадбиркорликни, касаначиликни янада жадал ривожлантиришни тақозо этади.

**Зокир УМАРОВ,**
иқтисод фанлари номзоди

# Мажбурий техник кўрик
## хавфсизлигимиз таянчи

**➢ Назорат**

Мамлакатимизда транспорт воситаларининг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу, аввало, юртимизда автомобилсозлик саноатининг ривожланиши ва аҳолининг турмуш шароити яхшиланаётгани натижаси. Шаҳар ва қишлоқларимиз йўлларида енгил автомашиналар, жамоат транспортлари қатнови сезиларли даражада кўпайди. Бу эса доимий равишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг йўлларимизда ҳаракатланаётган барча турдаги транспорт воситалари техник ҳолатига оид назоратини янада кучайтиришни тақозо этади.




Маълумки, «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом» автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамаларни, шунингдек, шаҳар электр транспортини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини белгилайди.

Мажбурий техник кўрикдан ўтказишдан кўзланган мақсад транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш, транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналари йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари, нормаларига мувофиқлигини баҳолаш, транспорт воситалари сонини, уларнинг ҳолатини, амалда мавжудлигини, тегишлилигини ва бошқа рўйхатдан ўтказиш маълумотларини аниқлаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан профилактика ишларини ташкил этиш, йўл ҳаракати ва транспорт воситаларидан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш, аниқлашдан иборатдир.

Таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган Низомга киритилган ўзгартиришларга кўра, 2012 йилнинг февраль ойидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига, халқаро (давлатлараро, ҳукуматлараро) ташкилотлар ва уларнинг ваколатхоналарига, шунингдек, ушбу ваколатхоналар ва ташкилотларнинг ходимларига ёки уларнинг оила аъзоларига қарашли бўлган автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамалар ҳам умумий тартибда техник кўрикдан ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Маълумки, йўловчи ташиш билан шуғулланадиган автокорхоналардаги транспорт воситаларини, яъни, автобус, кичик автобус ва одам ташишга мўлжалланган юк автомашиналарининг техник ҳолатини доимий равишда назорат қилиб бориш инсонларни турли фалокатлардан асраш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олган ҳолда йўловчи ташувчи транспорт воситалари бир йилда икки марта техник кўрикдан ўтказилади. Шунингдек, бу қоида хавфли юкларни ташувчи транспорт воситаларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Айтиб ўтиш лозимки, бундай транспорт воситалари биринчи марта техник кўрикдан 1 мартдан 30 июнгача, иккинчи марта эса 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилади. Низомда юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнгача, жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги эса 1 январдан 31 августгача ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз жаҳоннинг автомобиль ишлаб чиқарувчи саноқли давлатлари сафидан мустаҳкам ўрин олди. Янги ишлаб чиқарилаётган автоуловлар халқимиз эҳтиёжини қондирмоқда. Сифат жиҳатидан анча мукаммал бўлган транспорт воситалари узоқ вақтгача ўзининг техник имкониятларини йўқотмайди. Шу сабабли ҳам ишлаб чиқарилганига беш йилдан кам бўлмаган транспорт воситалари икки йилда бир марта техник кўрикдан ўтказилиши белгилаб қўйилган. Ишлаб чиқарилганига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари эса (йўловчи ташувчилардан ташқари) бир йилда бир марта техник кўрикдан ўтказилади.

Автотранспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида, мототранспорт, тиркамалар ва ярим тиркамалар учун энг кам ойлик иш ҳақининг йигирмадан бир қисми миқдорида йиғим ундирилади.

Техник кўрикдан ўтказиш учун транспорт воситаси эгаси ёки унинг ваколатли шахси томонидан бир қатор ҳужжатлар тақдим этилиши керак. Жумладан, паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, техник кўрикдан ўтказишга тақдим этилган транспорт воситасига мувофиқ тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига ҳайдовчи гувоҳномаси, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги қайд этиш гувоҳномаси, транспорт воситасини бошқаришга яроқлилик тўғрисида белгиланган шаклдаги тиббий маълумотнома ҳамда йиғим суммасини тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиши керак.

Шунингдек, амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»да ҳар бир транспорт воситасида мавжуд бўлиши лозим бўлган жиҳозлар ҳам кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, мажбурий техник кўрикка жалб этилаётган транспорт воситаларида тиббиёт қутичаси, ёнғин ўчиргич ва мажбурий тўхтаганликни билдирувчи белги бўлиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, мажбурий техник кўрикдан ўтказиш Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан бирга барча мутасадди ташкилотларнинг доимий эътиборида турадиган тадбирлардан бирига айланиши лозим. Чунки мажбурий техник кўрик вақтида техник жиҳатдан носоз, деб топилган транспорт воситаларидан фойдаланиш қатъиян тақиқланади. Шу сабабли транспорт воситасини техник кўрикка тақдим этишдан аввал унинг ҳолатини махсус мутахассислар ёрдамида тўлиқ текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тавсия этилади.

Шу ўринда мажбурий техник кўрикдан ўтмаган транспорт воситалари ҳайдовчиларига нисбатан қандай чоралар кўрилиши ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддаси иккинчи қисмига кўра, мажбурий техник кўрикдан ўтмаган автомототранспорт воситаларининг ҳайдовчиларига нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилади ва уларга республикамизда жорий этилган энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солинади.

**Азизхон МУРОДОВ,**
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ инспектори,
катта лейтенант

**➢ Божхона бекати**

Давлат божхона қўмитасининг "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан ҳаво йўллари орқали нақд хорижий валюталар, тилла ва заргарлик буюмлари, шунингдек, ноёб тарихий ва маданий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

# Элники элга!

Маълумки, жисмоний шахслар республикамизга умумий оғирлиги 30 граммдан ошмайдиган қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлардан ясалган фақатгина бештагача заргарлик буюмларини олиб киришлари мумкин. Аммо, бунга риоя қилмаган самарқандлик Ш.Марифхонова божхоначилар қаршисида ер чизиб қолди. Амалдаги тартибларга зид тарзда ва яширин равишда олиб киришга урингани сабаб унинг қиймати 33 млн. сўмдан ортиқ 169 гр. оғирликдаги тилла ва заргарлик буюмлари ўрнатилган тартибда давлат фойдасига мусодара қилинди.

Амалдаги тартибларга мувофиқ, республикамизда резидентларга 2000 АҚШ доллари эквивалентидаги нақд хорижий валютани божхона баённомасида ёзма қайд этиш шарти билан эркин олиб чиқиб кетишларига рухсат этилади. Бундан ортиқ миқдордаги нақд валюталарни олиб чиқиш учун эса ваколатли банклар ёки Марказий банкнинг ўрнатилган тартибдаги рухсатномаси талаб этилади.

Аммо, мазкур тартибларга бўйсинишни истамаган пойтахтлик Ф.Хожиматовага бу қилмиши қимматга тушди. "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан мазкур аёл Франкфуртга парвози олдидан холислар иштирокида шахсий кўрикдан ўтказилганда, кийимлари остидаги қўлбола белбоғда 49 минг 390 АҚШ долларини божхона баённомасида қайд этмасдан туриб, яширин равишда олиб ўтаётган пайтда тўхтатиб қолинди.

"Тошкент-Москва" йўналишидаги парвози олдидан Россия Федерацияси фуқароси Т.Таировнинг қўл юклари назорат-рентген аппаратидан ўтказилганда, ушбу шахс божхона баённомасида кўрсатилмаган 8 дона тасвирий санъат асарлари ва 12 дона фотосуратларни олиб чиқишга рухсат берувчи ҳужжатларни божхоначиларга тақдим қила олмади.

Бадиий экспертиза бошқармаси хулосасига кўра, таниқли рассомлар томонидан XX аср бошларида чизилган мазкур тасвирий санъат асарларининг умумий қиймати салкам 445 млн. сўмни ташкил қилар экан.

Таъкидлаш жоизки, ўтган 2013 йилда республикамиз божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 89 та божхона қонунбузарликларида 2520 дона ноёб тарихий ва маданий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

**"Тошкент-Аэро" ИБК**
Ахборот хизмати

ADOLAT
№ 13 (973) 2014-yil
28-mart, juma



# Шимоллик социал-демократлар фаолияти кўпчилик давлатлар учун ибрат бўлмоқда

➢ «Адолат» шарҳи

**Кейинги пайтларда дунё миқёсида социал-демократик ғояларга қизиқиш кучайиб бормоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Айнан социал-демократлар ўз сиёсий фаолиятлари, амалга ошираётган ишлари билан эътиборга тушмоқдалар. Буни шимоллик социал-демократлар мисолида кўрсак бўлади.**




Норвегиялик социал-демократлар вакили Йенс Столтенберг уч маротаба мамлакат бош вазири сифатида фаолият кўрсатди. У дастлаб Хьеля Магне Бунневик маҳкамаси тарқаган 2000-2001 йилларда ҳамда 2005 ва 2009 йилларда социал-демократлар сайловларда ғалаба қозонган пайтларда ишлаган. Ўтган йилги парламент (Стортинг) сайловида сўл коалиция имкониятни бой берганига қарамай, собиқ бош вазир мамлакатдаги энг обрўли сиёсатчи сифатида қолаётган бўлса, Ишчи партияси аҳоли ўртасида энг оммабоп партия ҳисобланади.

Халқаро майдонда эса Столтенберг жаҳон ҳамжамияти эътиборини бир неча бор юқумли касалликлар ва глобал иқлим исишига қарши кураш масалаларига қаратган. Бунинг исботи ўлароқ, у БМТ бош котибининг иқлим масалалари бўйича махсус вакили этиб тайинланди.

Шу ўринда Норвегия Ишчи партияси (НИП) ва давлат сиёсий тизими хусусида тўхталиш жоиз. 1887 йилда ташкил топган мазкур партия 1927 йилдан бери Стортингдаги энг йирик партиялардан ҳисобланади. Айрим ҳолларда эса ҳатто аксарият овозларни йиғишга муваффақ бўлган.

Партия парламентдан дастлаб 1903 йилги сайловда 117 ўриндан атиги 4 та ўринни қўлга киритгани ҳолда жой олди.

1933 йилги сайловда парламентдаги 150 та ўриннинг 69 тасини ишғол этган Норвегия Ишчи партияси ҳукмрон сиёсий кучга айланади. Бир неча ўн йилликлар давомида, аниқроғи 2001 йилгача НИП барқарор равишда парламентдаги ўринларнинг 40 фоизини эгаллаб келди.

Бошқа сиёсий партиялар бошидан ўтказгани каби НИП ҳам 1960-1970 йилларда инқироз домига тушиб қолди. 1961 йили ажралиб чиққан гуруҳ бугунги Социалистик сўл партия ўтмишдоши бўлган Социалистик халқ партиясига асос солдилар. 2001 йилги Стортингга ўтказилган сайловда НИП 165 та ўриннинг атиги 43 тасини қўлга киритди, холос. 1933 йилдан бери парламентда 62 тадан кам ўрин олмаган партия ва унинг тарафдорлари учун бу мисли кўрилмаган мағлубият сифатида қабул қилинди. Бунинг асосий сабаби сифатида 1997 йилги давлат мулкининг бир қисмини хусусийлаштириш билан боғлиқ муваффақиятсиз қарор ва унинг билан боғлиқ жанжаллар тилга олинади. Гап шундаки, йирик TELENOR телекоммуникацион компанияси ва STATOIL нефть-газ монстрининг қисман хусусийлаштирилиши кутилган натижани бермади. Бундан фойда кўрилмагани ва миллий аҳамиятга молик йирик қурилиш объектларига миллиардлаб доллар миқдорида маблағ сарфланиши билан боғлиқ доимий жанжаллар ортидан Ишчи партиясига нисбатан ишончсизлик ортиб боради. Бундан ташқари, социал-демократлар ҳукумати даромад солиқларини пасайтириш йўлидан бормади. Маълумки, Норвегия даромад солиғи дунёда энг юқори бўлган (60 фоиз атрофида) давлатлар қаторида туради.

Тўрт йиллик танаффусдан сўнг 2005 йили Норвегия Ишчи партияси 61 та депутатлик мандатини қўлга киритиб, бой берилган имкониятни тиклайди. Бунинг эвазига партия марказчилар ва сўл социалистлар билан биргаликда ҳукмрон коалицияни тузишга эришади. 2009 йилда олдинги сайловга қараганда 3 та кўп ўринни ишғол этган НИП мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўз етакчилигини исботлади. Партиянинг коалициядаги шериклари ҳам муносиб натижа кўрсатиб, яна Вазирлар Маҳкамасини тузиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. 2011 йилгача Норвегия дунёдаги энг фаровон, энг тинч ва энг бехатар мамлакатлардан бири бўлиб келган.

2011 йилнинг 22 июлида ўта ўнг миллатчи, экстремист, Норвегиянинг 32 ёшли фуқароси Андерс Беринг Брейвикнинг Ишчи партиясининг Утойя оролидаги ёшлар лагерига бостириб кириб у ерда тўпланган асосан 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган одамларга қарата ўқ узиши натижасида 68 киши қурбон бўлади. Ослодаги ҳукумат уйи олдида бундан бир неча соат илгари содир этилган портлаш билан биргаликда Утойя оролидаги хунрезлик Норвегия тарихидаги энг йирик террорчилик ҳаракати сифатида тарихга кирди.

НИПнинг ҳудудий ташкилотлари губерния партиялари, бошланғич ташкилотлари коммунал партиялар деб юритилади. Олий органи — ўлкалар йиғини, қурултойлар ўртасида — ўлкалар бошқаруви, губерния партияларининг олий органи эса — йиллик йиғинлар, йиллик йиғинлар ўртасида — губерния бошқаруви деб аталади.

Социал-демократлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини демократлаштиришда ўз ташаббускорликлари билан муҳим роль ўйнаган. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг очиқлиги ва ҳисобдорлигининг таъминланиши ҳам улар фаолияти билан боғлиқ. Глобал молиявий инқироз бошланган кезларда ёзилган биргина мактуб кўпчиликда яхши таассурот қолдирган: «Салом! Ҳозир банкларга имкони борича тезроқ нақд пуллар ажратиш ва ишонарли ҳамда тинчлантирадиган нутқ билан чиқиш керак!». Мазкур матн Норвегиядаги энг йирик DnB Nor банки президенти Рюне Бьерке томонидан 2008 йили мамлакат бош вазири Йенс Столтенберг номига ёзилган. Чунки айнан ўша йили молиявий инқироз Норвегия банкларини оғир аҳволга солиб қўйган. Мазкур мурожаатнинг эртасига ҳукумат банк соҳасини қутқариш режасини қабул қилиш ташаббуси билан чиққан ва бюджетдан мисли кўрилмаган даражада маблағ, аниқроғи 350 миллиард крон, тахминан 433 миллиард евро ажратди.

Ушбу ёзишма 1970 йилдаги (2006 йилда тузатишлар киритилган) «Очиқ маъмурий ҳужжатларга кириш эркинлиги тўғрисида»ги қонунга биноан амалга оширилган. Ҳукумат сайтларига бемалол кириш ҳуқуқидан фойдаланган оммавий ахборот воситалари банк президентининг бош вазирга йўллаган мурожаати билан танишиб чиқиш ва матбуотда эълон қилиш имкониятига эга бўлгандилар.

Таъкидлаш жоизки, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг очиқлиги ва ошкоралиги ҳукумат ҳамда 5 миллионли халқ ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашга хизмат қилди.

— Норвегия — ўзига хос мамлакат. Бироқ у шундай бўлиб қолиши учун курашишимиз керак, — дейди Норвегия ва Франция фуқароси, Europe Ecologie партиясидан Европарламентга сайланган депутат Эва Жоли. — Тан олиш керак, айнан социал-демократларнинг меҳнати билан Норвегия обрўли мамлакатлардан бирига айланди. Мамлакат энергия ресурслари экспорти бўйича дунёда учинчи ўринда қолаётганига қарамай, коррупция муаммоси ўта паст даражада. Сиёсатчи бўлиш имконияти Норвегиянинг ҳар бир фуқаросида таъминланган. Бунинг учун айрим мамлакатлардагидек, бой бўлиш шарт эмас.

Замонавий жамият учун ноёб амалиёт саналган, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси танишиши мумкин бўлган солиқ декларацияларини чоп этиш анъанаси бу ўлкада XIX асрда пайдо бўлгани ҳолда очиқ фуқаролик жамияти ташкил этишга ҳисса қўшган. Интернет пайдо бўлгунига қадар фуқароларнинг шаҳар ҳокимларини, қўшниси ёки маҳаллий савдогарнинг даромадлари билан танишиш учун солиқ марказига ташриф буюришнинг ўзи кифоя қиларди. Марказда декларациялар уч ҳафта мобайнида осиғлиқ турган. Айни пайтда газеталар Норвегиянинг таниқли инсонлари — сиёсатчилар, корхоналар раҳбарлари, спортчилар ва санъат соҳасининг таниқли вакилларининг даромадлари, мол-мулки ва бойлиги тўғрисидаги маълумотларни чоп этиб борган. Матбуотда шунингдек, зодагонлар ва оддий одамлар ўртасидаги тенглик ғояси кенг тарғиб этилган.

Интернет пайдо бўлиши даромадлар тўғрисидаги маълумотларни Норвегия молия вазирлиги сайтида танишиш имкониятини яратди. Бу эса солиқ тўламаганларни зудлик билан аниқлашга имкон берди. Масалан, 2008 йилда мамлакатнинг собиқ бош вазири Гру Харлем Брунтланнннинг гарчи катта миқдорда нафақа олса-да, солиқ тўламаслигига ойдинлик киритди.

Норвегия социал-демократларининг саъй-ҳаракати туфайли мамлакат давлат, касаба уюшмаси ва тадбиркорлар ўртасида «уч томонлама ҳамкорликка» эришди. Мазкур тизим касаба уюшмаларига таянган меҳнат тизимини таъминлади, қолаверса, сиёсий партиялар ва ижтимоий шериклар, яъни ишчилар ва тадбиркорлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилди. Ана шундай келишув эвазига Норвегия Ишчи партияси ҳар йили мамлакатдаги йирик касаба уюшмалари бирлашмаси Landsorganisasjonenдан 5 миллион крон маблағ олади.

Норвегия — конституцион монархияга ва парламент демократиясига асосланган унитар давлат. Мамлакатда 1814 йилда қабул қилинган, бироқ кейинчалик ўзгартиш ва қўшимчалар билан тўлдирилган конституция амал қилмоқда. Қирол (1991 йилдан бери Харальд V) давлат раҳбари ва ижро ҳокимияти раҳбари саналади. Олий қонунчилик органи — Стортинг деб номланади. Дастлаб қирол жуда кенг ваколатларга эга бўлган. Конституцион ислоҳотлар ўтказилгани сайин бу ваколатлар камайиб борган.

Бир сўз билан айтганда, Норвегиянинг сиёсий йўли, демократияга эришиш йўлидаги тажрибаси кўпчилик давлатлар томонидан эътироф этилгани ҳолда кўпчилик давлатларга ибрат вазифасини ўтамоқда.

**Қаҳрамон ҚЎЛДОШЕВ**

## Учувчи электр станцияси

**Дунё олимлари қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш соҳасида инновацион технологияларга алоҳида эътибор қаратиб, янгидан-янги ихтиролар яратмоқдалар. Жумладан, атроф-муҳитга зарарсиз, тоза энергия ишлаб чиқариш ғоясини илгари сураётган Altaeros компанияси мутлақо янги типдаги шамол генератори тайёрлаганлигини маълум қилди.**



Энг асосийси, мазкур қурилмадан нафақат осмонда электр энергияси олишда, балки бошқа мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин бўлади.

Янги қурилма ичига гелий тўлдирилган аэростат кўринишида. У тахминан 600 метр баландликка кўтарилади. Яна бир эътиборли жиҳати, бундай баландликда шамол генератори ердаги шундай қурилмаларга нисбатан икки баробар самаралироқ ишлайди.

Ихтирочилар қурилма электр энергияси ишлаб чиқариш билан бир қаторда об-ҳаво, атмосфера ҳолати тўғрисида маълумотлар тўплашини ҳамда мобиль алоқа тизимининг база станцияси бўлиб хизмат қила олишини алоҳида қайд этишмоқда.

Олимлар айниқса табиий офатлар юз бериб, электр энергияси таъминоти издан чиққан ҳудудларда янги генераторлар катта фойда келтиришини маълум қилишмоқда. Айни пайтда аэростат турли ташқи таъсирлардан ишончли ҳимояланган, у ҳар қандай шароитда ҳам узлуксиз ишлай олади.

## Тоза ҳаво — танга даво. Заҳарланган ҳаво-чи?!..

**Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган маълумотларга қараганда, ҳавонинг ифлосланиши бугун инсоният олдида жуда катта муаммолардан бири бўлиб турибди.**



Бу борада олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, фақат 2012 йилнинг ўзида ҳаво ифлосланиши натижасида ер юзида етти миллионга яқин киши вафот этган. Қурбонларнинг 3,3 миллиони бинолардаги ҳаводан, 2,6 миллиони эса очиқ майдонлардаги, кўчалардаги ҳаводан заҳарланишган.

Бундай ўлимлар сони айниқса Жануби-Шарқий Осиёнинг ҳамда Тинч океани минтақасининг ғарбий қисмидаги камбағал ва энди ривожланиб келаётган мамлакатларида кўпроқ учраган.

Атмосферани зарарли газлар билан заҳарлаш борасида эса ҳамон Ҳиндистон ва Хитой етакчилик қилмоқда. Хусусан, Хитой пойтахти Пекин аҳолиси учун шаҳарни ўраб оладиган заҳарли газлардан иборат қуюқ туман одатий ҳолга айланган. Маълумотларга қараганда, бу шаҳар ҳавосида зарарли кимёвий унсурлар миқдори рухсат этилган меъёрдан 25 баробарга қадар кўп учраган!

Айни пайтда мутахассислар бинолар ичидаги ҳавога эътиборни кўпроқ қаратмоқдалар. Зеро, айрим экспертларнинг хулосаларига кўра, сайёрамизда 2,9 миллиард киши ёғоч, кўмир ва гўнг билан иситиладиган биноларда яшашади.

Ташкилот мутахассислари амалдаги кўрсаткичлар олдинроқ берилган тахминларга нисбатан икки баробар ортиб кетганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишган.

Ҳавонинг ифлосланиши турли хасталикларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, юрак-қон томир касалликларининг тахминан 40 фоизи, ўпка хасталигининг 11 фоизи, болалар саратонининг 6 фоизи айнан ҳаводаги заҳарли зарралар билан боғлиқ. Шифокорлар айниқса аёллар ва болаларда бундай ҳолатлар кўпроқ намоён бўлишини аниқлашган.

Эслатиб ўтамиз, атмосфера ҳавосини энг кўп заҳарловчи манбаларга автомобиль воситалари, саноат корхоналари, ишлаб чиқариш соҳаси, кўмирда ишлайдиган иссиқлик электр станциялари киради.

## Тиббиётнинг дадил одимлари

**24 март куни бутун дунёда сил касаллигига қарши кураш куни нишонланди. Дарҳақиқат, "Куч — бирликда" деб бежиз айтишмаган. Дунё тиббиётчиларининг бирлашиши оқибатида ҳатто яқин-яқингача тузалмас деб ҳисобланиб келинган кўплаб касалликларга шифо топилмоқда, натижада минг-минглаб инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолинмоқда. Келинг, бундай хасталикларнинг айримларини эслаб ўтамиз.**

**САРАТОН**

Статистика маълумотларга кўра, бугунги кунга келиб саратон хасталигига учраганларнинг ўттиз фоиздан кўпроғи бутунлай тузалиб кетмоқда. "Саратонман, энди менга даво йўқ", деб тарки дунё қилиб юрганларнинг ярмидан кўпроғи эса бутунлай бошқа хасталикдан ёки умидсизлик ва кексалик туфайли вафот этаркан!

Ҳолбуки, саратон хасталигини тиббий йўл билан даволаш илк бор 1958 йилдагина амалга оширилган. Ўшангача у давосиз деб ҳисобланиб келинган...

**ДИАБЕТ**

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда ер юзида 347 миллион қанд диабети хасталигига чалинган бемор бор. Агар эътибор бериб қарамасангиз, бундай касалларни соғлом одамлардан ажратиш қийин. Замонавий муолажа амаллари туфайли бундай ташхис билан бемалол яшаш, ишлаш мумкин бўлиб қолди.

... Сан-Диеголик Боб Краузга 1926 йили, беш ёшида "биринчи тип диабет" ташхиси қўйилганди. У инсулин ола бошлади, уйланди, икки боланинг отаси, саккиз неваранинг бобоси бўлди. 2011 йили эса ўзининг 90 йиллигини нишонлади.

Ҳолбуки, юз йил муқаддам биринчи тип қанд касаллигини даволашни ҳатто хаёл қилиб ҳам бўлмасди...

**СИЛ**

Албатта, кўпчилик Шопен, Добролюбов, Бельмондо, Гайдн сингари машҳур инсонлар бу касаликка чалинганидан хабардор. Аммо замонавий тиббиёт сил касали узлуксиз йўталадиган, аста-секин сўниб борадиган бемор деган тасаввурни парчалаб ташлади. Яқин-яқингача ер юзида кунига 5 минг киши айнан шу касаллик туфайли вафот этганлиги ҳам ҳақиқат.

Замонавий тиббиёт эса бугунги кунда бу машъум хасталикни деярли бутунлай тузата олиш имкониятига эга бўлди...

## Эриб кетадиган қувват манбаи яратилди

**Иллинойс университети муҳандислари юпқа тасмали магний асосида яратган батарея маълум муддатдан сўнг ҳеч қандай заҳарли қолдиқ қолдирмасдан эриб кетиш хусусиятига эга.**



Олимлар яратган турли батареялар ҳозирча фақат катод яратишда ишлатилган материал билан фарқ қилади. Яъни катод сифатида темир, вольфрам ва молибдендан фойдаланилган, анод эса ҳар учала ҳолда ҳам магнийдан тайёрланган. Электролит ўрнида одатдаги фосфат ва натрий хлориднинг туз эритмаси ишлатилган.

Янги батарея 2,4 миллиамперга қадар ток ишлаб чиқаради. Бундай батарея эриб кетиши натижасида танага бор-йўғи тўққиз миллиграмм магний сўрилади, бу эса ҳеч қандай салбий асорат туғдирмайди. Батарея электроника имплантациясида таъминот манбаи бўлиб хизмат қилади.

## Жимми Картер электрон почтадан фойдаланмайди

**АҚШнинг собиқ президенти Жимми Картер барча муҳим маълумотларни фақат оддий почта орқали юборишини маълум қилган. Бунинг сабаби сифатида Ж.Картер ўзининг электрон почтасини Миллий хавфсизлик агентлиги текшириб кўришидан хавотирда эканлигини кўрсатган.**



Картер NBC телеканалига берган интервьюсида Америка махсус хизматидан қочиб кетган Эдвард Сноуденнинг фош этишлари туфайли рўй берган шов-шувли воқеаларга изоҳ берган. Шунингдек, собиқ президент агентлик фаолияти "ҳаддан ортиқ либераллаштирилган эди" дея алоҳида таъкидлаб ўтган. "Менинг мулоқотларим, эҳтимол текшириб кўрилмоқда, деган туйғу мени тарк этмайди. Шу сабабли мен дунё етакчилари билан боғланмоқчи бўлганимда, ўзим хатни машинкада ёзаман ва оддий почта орқали юбораман. Агар электрон хабар юборсам, у назорат остида бўлади, деб ҳисоблайман", дейди Картер.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида агентликнинг кенг кўламли кузатиш дастурлари тўғрисида янги-янги маълумотлар чоп этилмоқда. Жумладан, айрим маълумотларга кўра, агентлик Google ва Facebookдан фойдаланувчилар ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлган.

Шу сабабли яқинда Facebook асосчиси Марк Цукерберг АҚШ президенти Барак Обамага мурожаат этиб, тармоқнинг оддий мижозларини кузатишни бекор қилишни ва интернетдан фойдаланиш сиёсатини қайта кўриб чиқишни илтимос қилган.

**Зилола ЙЎЛДОШЕВА** тайёрлади.

ADOLAT
№ 13 (973) 2014-yil
28-mart, juma

# Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари

Давоми. Боши 1-бетда

Агар мустақиллик йилларида ёшлар сиёсати соҳасидаги ишларга назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимизда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар, қонуний негизлар тўла шакллантирилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бунинг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида аниқ белгилаб берилди. Конституциямизнинг 45-моддаси вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлигини ўрнатган бўлса, унинг 64-моддаси билан ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши белгиланди. Бундан ташқари Асосий Қомусимизнинг 65-моддасида фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши мустаҳкамланди.




Юртбошимиз ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки ойларида — 1991 йилнинг 20 ноябрида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Унда ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсади ва вазифалари қатъий белгилаб қўйилди. Мустақилликнинг илк ойларида қабул қилинган ушбу қонунда қайд этилганидек, ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналишидир.

Қонуннинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат. Бунда, аввало, миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан қатъи назар ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш қоидасига асосланилади.

Ўтган даврда бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, 2008 йилнинг 8 январидан эътиборан кучга кирди. Бола ҳуқуқлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўли билан болаларни, шу жумладан, етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини ошириш мазкур қонуннинг асосий мақсади ҳисобланади.

2008 йил 16 апрелида имзоланган вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга, болалар ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш ва бундай жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун билан амалдаги бир қанча қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди.

2010 йил 29 сентябрда вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизимини ҳуқуқий тартибга соладиган "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

2014 йил 2 январда васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлигини таъминлаш, васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатаётган оилаларни қўллаб-қувватлашни давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб белгилаган "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз ёшларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, жаҳон миқёсида глобаллашув жараёнларининг ёшлар онгига таъсирлари ва таҳдидлари бу соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришимиз учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда. Шу боис Юртбошимизнинг юқорида номи келтирилган қарорларига биноан ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш учун қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, бу борада қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга қаратилган янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш белгиланмоқда. Хусусан, ёшларга оид сиёсатнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришга, шу жумладан, ёшларга оид сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилашга, бу соҳада давлат ҳокимияти органларининг масъулиятини кучайтиришга, вояга етмаганларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳририни ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

**Қонуннинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат. Бунда, аввало, миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан қатъи назар ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш қоидасига асосланилади.**

Айниқса, ҳозирги глобаллашув замонида болаларни улар онгини бузувчи, жароҳатловчи ахборот таъсиридан ҳимоя қилишни, оммавий ахборот манбаларида шафқатсизлик ва зўравонлик тарғиб қилинишига йўл қўймасликнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмларини назарда тутувчи *«Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»*ги янги қонуннинг ишлаб чиқилиши белгиланганлиги диққатга сазовордир.

Шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни, шу жумладан, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилишни, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни, замонавий ва самарали спорт инфратузилмасини шакллантиришни, юқори тоифали спортчилар ва спорт захирасини тайёрлаш учун зарур шароитлар яратишга доир талабларни жорий этишни назарда тутувчи *«Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»*ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳам шулар жумласидандир.

Болаларнинг таълим-тарбия, маданият, спорт ва бошқа муассасаларига қўйиладиган санитария-эпидемиологик талабларни, болаларни эмлаш, соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, санитария нормалари ва қоидаларига риоя этишни таъминлашни, мактабгача, умумий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими босқичларида болаларни санитария ва гигиена асосларига ўқитишга доир чора-тадбирларни жорий этишни назарда тутувчи *«Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида»*ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш мустаҳкамланганлиги ҳам соғлом болани вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишни кўзда тутувчи қарорларда, шунингдек, никоҳга кираётган шахсларнинг никоҳдан олдинги тиббий кўрикдан тўлиқ ўтишларини таъминлаш, никоҳга кираётган шахсларнинг тиббий кўриги сифатини яхшилаш, улар ўртасида ирсий ва туғма касалликларнинг олдини олиш ҳақида кенг тарғибот ишлари олиб бориш, ёшлар ўртасида эрта никоҳларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу ишларнинг самарадорлиги соғлом оилани шакллантириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, юзага келиши мумкин бўлган ирсий ва туғма касалликлар сонини камайтириш, соғлом фарзандлар туғилишини таъминлаш, эрта никоҳ ва ажримлар сонини камайтиришнинг ишончли гаровидир.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган эзгу қарорлар мамлакатимизда жисмоний соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш вазифасини изчил давом эттириш учун аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламдаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини шу йўлда сафарбар этиш бўйича саъй-ҳаракатларни янги, юксак босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

**Самира САИД-ГАЗИЕВА,**
юридик фанлар номзоди



## Мен нега «Адолат»ни танладим?

Болалигимдан санъатга, айниқса, рассомчиликка қизиқишим туфайли Нукус шаҳридаги ихтисослаштирилган санъат мактабида таълим олдим.

Устозларимдан рассомликнинг ўзига хос сир-синоатларини ўргандим. Билим, кўникмаларим ва изланишларим ўз самарасини бериб, мамлакатимиз миқёсида ўтказилган бир қатор кўрик-танловлар ғолиби бўлдим.

2011 йилда эса ўз фарзандларига дунёнинг ҳеч бир жойи билан солиштириб бўлмайдиган имкониятлар яратилган Ватанимизнинг бахтиёр қизлари қаторида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлдим.

Ўз қаламимда озод ва обод Ватанимнинг ёрқин жамолини, меҳнатсевар, меҳмондўст халқимнинг беғубор қалбини оқ қоғозга кўчириш бахтига сазовор бўлганимдан қалбим чексиз фахрга тўла.

Айни кунда Тошкент рассомлик коллежи 3-босқич ўқувчисиман. Ниятим ўқишимни олийгоҳда давом эттириб, мустақил Ўзбекистонимиз ривожига салмоқли ҳиссамни қўшиш ва фарзандлик вазифамни чин дилдан адо этишдир.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида фаол иштирок этиш мақсадида ўзининг аниқ фаолият йўналишларини белгилаб олган, ёшларга катта эътибор қаратган Ўзбекистон «Адолат» СДПга аъзо бўлишни ният қилдим.

Ўтган йиллар мобайнида биз таълим соҳаси бўйича эришаётган ютуқларимиз замирида, мамлакатимиздаги соҳа билан боғлиқ қабул қилинган дастурлар, Президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорлари, қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар дастуриламал вазифасини ўтаганини келтириб ўтсак, уларнинг ижроси билан боғлиқ ишларда жамиятда қонун устуворлигини таъминлашни мақсад қилган Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган депутатларнинг ҳам салмоқли ҳиссалари бор.

Партия томонидан қайта тикланувчи энергия турларини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва инновацион турдаги иқтисодиётга ўтиш каби бугунги долзарб ғоялар мустақил юртнинг мустақил фикрга эга ёшларини бефарқ қолдирмаслиги керак.

Мана шуларни теран англаган ҳолда 2013 йилда Ўзбекистон «Адолат» СДПга аъзо бўлдим ва ўзим учун муҳим режалар тузиб олдим.

Зеро, бугунги ёшлар мустақил юртнинг мустақил фикрлайдиган ва ўз фикрини эркин ва очиқ айта оладиган бахтиёр ёшларидир.

**Бийбиназ ҚАЙПОВА,**
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори,
Тошкент рассомлик коллежи 3-босқич ўқувчиси

### Донолар Адолат ҳақида

**Адолатпарвар одамнинг ахлоқий хислатлари бемалол қонун ўрнини боса олади.**

***

**Адолатсизлик қилмайдиган одам адолатпарвар эмас, балки адолатсизлик қилиши мумкин бўла туриб, ундан ўзини тийган одамгина адолатпарвардир.**

Менандр, қадимги юнон шоири

***

**Адолат ҳаёт учун нон сингари керакли озуқадир.**

Л.Берне, немис танқидчиси

***

**Ўз яқинларингга нисбатан сира пайсалга солмай адолатли бўлмоғинг лозим, бундай ҳолларда сусткашлик қилиш – адолатсизлик деган гап.**

Ж.Лабрюйер, француз ёзувчиси




**Эълон**

Афғон уруши ногиронлари республика хайрия жамғармасининг Ўзбекистон жангчи фахрийлар (байналмилалчилар) Бирлашмаси таркибига қўшилиши муносабати билан аризалар Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 40-б уйда қабул қилинади.

*В связи со слиянием Республиканского благотворительного фонда инвалидов войны в Афганистане с Объединением воинов-ветеранов (интернационалистов) Узбекистана заявления принимаются по адресу: город Ташкент, улица Навои, дом 40-б.*

**"18-АВТОБУС САРОЙИ"**
очиқ акциядорлик жамияти
**"D" тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни ишга қабул қилинади.**

**Ўртача ойлик иш ҳақи**
**"Мерседес-Бенц", "Хундай" автобуси ҳайдовчилари учун 900-1 млн. 200 минг сўм.**
**Ўртача ойлик иш ҳақи**
**"Исузу" автобуси ҳайдовчилари учун 600-900 минг сўм.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Катта ҳалқа йўли, 8а-уй.**




ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдували САЙБНАЗАРОВ

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*

**info@adolatgzt.uz; adolat_gazeta@mail.ru**

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

ISSN 2091-5217

**Бўлимлар:** Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — ***288-46-54*** (149);
Ахборот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — ***288-46-64*** (146);
Қабулхона — ***288-42-23***; ***288-46-64*** (141) факс;
Котибият — ***288-46-64*** (144).

**Навбатчи муҳаррир** — Қ.Қўлдошев. **Навбатчи** — Ғулом Ҳидиров.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган.
Буюртма Г — 300. Адади — 11286
Босишга топшириш вақти — 21.30 Босишга топширилди — 23.00
1 2 3 4 5